



ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
14 март куни Германия Федератив Республикаси Президенти
Франк-Вальтер Штайнмайер билан телефон орқали
мулоқот қилди.

Ўзбекистон ва Германия ўртасида-
ги кўп қиррали муносабатларни янада
мустаҳкамлаш ва ўзаро манфаатли
ҳамкорликни кенгайтириш масалалари
кўриб чиқилди.

Суҳбат аввалида давлат раҳбарла-
ри икки мамлакат ўртасидаги дипло-
матик муносабатлар ўрнатилганининг
30 йиллиги муносабати билан бир-
бирини табриклаб, самимий тилақла-
рини билдирдилар.

Ушбу тарихий даврда икки то-
монлама алоқаларни ривожлан-
тириш борасида биргаликда катта
ишлар қилингани, ўзаро ишонч ва
шериклик учун мустаҳкам пойдевор
яратилгани катта мамнуният билан
қайд этилди.

Етакчилар Ўзбекистон ва Германия
ўртасидаги амалий ҳамкорлик ҳолати
ва истиқболларини ҳам муҳокама қил-
дилар, турли даражаларда мунтазам
сиёсий мулоқот ва фаол алоқаларни
давом эттириш муҳим эканини таъкид-
ладилар.

ЎЗА

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

ТИНИМСИЗ ИЗЛАНИШ, ҲАЛОЛ ВА ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ АНДИЖОНЛИКЛАР ФАРОВОН КЕЛАЖАГИГА ЗАМИН ҲОЗИРЛАМОҚДА

Бугун жонажон Ўзбекистонимиз ўз тараққиётининг янги даврига
қадам қўйди. Эндиликда ҳар бир инсоннинг онгида, бутун
жамиятда ўз умрини яшаб бўлган эски қарашлар чекиниб, янги
давр бошланди, янги воқелик бўй қўрсатмоқда, улкан имкониятлар,
кенг қўламли ислохотлар даври бошланди. Мамлакатимизнинг ҳар
бир ҳудудда ривожланиш, ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Буни
Андижон вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Юртимизда амалга оширилаётган
ишларнинг баҳоси, қиймати, аввало,
кундалик ҳаётимизда рўй берган ўз-
гаришлар билан ўлчанади. Бугун ҳар
бир юртошимизнинг тафаккури, ҳаёт-
га, атрофда юз бераётган воқеаларга
муносабати ўзгаргани эса жамияти-
миздаги янгиланишларнинг муҳим
қиррасидир. Зеро, инсонда дунёқараш
ўзгармас экан, турмуш ҳам, шароит

ҳам ўзгармайди. Шу маънода, халқи-
мизнинг бугунги ислохотларга ишончи
ортиб бораётгани, дахлдорлик туйғуси
кучайгани янги-янги мақсад ва режа-
ларга туртки бўлмоқда. Янги Ўзбекис-
тондаги кенг қўламли ислохотлар,
аввало, "Инсон қадрини кўтариш"
асосида кечаётир.

▶ Давоми 4-бетда

ЎЗГАРИШЛАР ШУКУҲИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА МЎЙНОҚ ЯНГИ ҲАЁТГА ҚАЙТДИ

Жорий йил 23-24
февраль кунлари
Президентимиз
Шавкат Мирзиёев
худудлардаги
бунёдкорлик ишлари,
йирик лойиҳалар ва
аҳоли ҳаёти билан
танишиш мақсадида
Қорақалпоғистонга
ташриф буюрди.
Ушбу таширф
аввалгиларидан
фарқли равишда
кечди, яъни давлат
раҳбари минган
биринчи рақамли
борт илк маротаба
Тошкентдан Мўйноқ
аэропортига қўнди.

Бу жараён чиндан ҳам аввал куза-
тилмаган воқеа бўлди, десак ҳеч мубо-
лага бўлмайди. Чунки аини кунда ати-
ги 33 минг аҳоли истиқомат қиладиган
Мўйноққа Президентимиз самолёти-
нинг қўниши ҳеч биримизнинг, ҳатто

ухлаб ҳам тушимизга кирмаган эди.
Ҳақиқатан ҳам, сўнгги йилларда
Мўйноқ тумани аҳолисининг ҳаёти
давлатимиз раҳбарининг мунтазам
эътиборида бўлди. Худудни комплекс
ривожлантириш бўйича иккита қарор

қабул қилиниб, Президентимиз ушбу
худудда икки маротаба сафарда бўлди.
Ҳар бир сафар якунлари билан мўй-
ноқликлар ҳаётида катта ўзгаришлар
юз бериб, туман гўё эртақлардагидек
ўзгача чирой очди. Минглаб аҳоли,

айниқса, ёшлар бандлиги таъминлан-
ди. Бундан бир неча йиллар аввал Мўй-
ноқни ташлаб кетган минглаб одамлар
туғилиб ўсган тупроғига қайтди.

▶ Давоми 5-бетда



ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 14 март
куни иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, давлат
корхоналарини трансформация қилиш масалалари бўйича
видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, мамлакатимизда бозор
иқтисодиётини ривожлантириш, рақо-
бат муҳитини яхшилаш мақсадида
давлат корхоналари трансформация
қилинмоқда. Йиғилишда бу борадаги
ишларни жадаллаштириш ва давлат
активларини хусусийлаштириш маса-
лалари муҳокама қилинди.

Жумладан, 25 та давлат корхонаси-
да операцион самарадорликни оши-
ришда сусткашликка йўл қўйилгани
кўрсатиб ўтилди. Ҳозирги замон тала-
бига жавоб бермайдиган, зарар билан
ишлаётган корхоналарни давлат то-
монидан қўллаб-қувватлаш амалиё-

тидан бутунлай воз кечиш кераклиги
айтилди.

Транспорт соҳасидаги ишлар ҳо-
лати ҳам кўриб чиқилди. Транзит
йўловчилар оқимини ошириш, чартер
парвозларга рухсат бериш тизимини
соддалаштириш, маҳаллий аэропорт-
ларни минтақавий транзит хабиға ай-
лантириш чоралари белгиланди.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” мил-
лий авиакомпанияси эркин рақобат
шароитида ишлаш учун замонавий
ёндашувларни жорий қилиши, авиа-
чиқмалар нархининг ошishiға йўл қўй-
маслик зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БОКС БЎЙИЧА БАҲОДИР ЖАЛОЛОВ СПОРТ МАҲОРАТИ МАКТАБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 5 ноябр-
даги “Спорт-таълим муассасалари
фаолиятини 2025 йилгача ривож-
лантириш дастури тўғрисида”ги
ПҚ-5280-сон қарори ҳамда Ўзбекистон
Республикаси Президентининг 2021
йил 29 апрелдаги ПҚ-5099-сон қаро-
ри билан тасдиқланган Боксини 2025
йилгача ривожлантириш концепция-
сига мувофиқ, шунингдек, иқтидорли
спортчиларни профессионал боксчи-
лар сифатида тайёрлаш, Олимпия
ўйинларида ғолиб ва совриндор бўл-
ган спортчиларимиз фаолиятини кенг
тарғиб этиш мақсадида:

1. Спортни ривожлантириш вазир-
лиги тизимида **Бокс бўйича Баҳодир
Жалолов спорт маҳорати мактаби**
(кейинги ўринларда — бокс мактаби)
ташқил этилсин.

2. Қўйидагилар **бокс мактаби-
нинг асосий вазифалари** этиб бел-
гилансин:

зарур спорт анжомлари ва ускуна-
лари билан жиҳозланган, замонавий
халқаро талаблар ва стандартлар-
га жавоб берадиган моддий-техника
ҳамда ўқув-машғулот базаларини яра-
тиш ва турли даражадаги халқаро ва
минтақавий мусобақаларда — Олим-
пия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё

чемпионатлари, универсиадалар
ҳамда бошқаларда Ўзбекистоннинг
шарафини муносиб ҳимоя қилишга
қодир бўлган **халқаро даражадаги
боксчиларни тайёрлаш**;

халқаро даражадаги боксчиларни
тайёрлаш учун юқори малакали **му-
тахассис-тренерлар, психологлар
ва услубчиларни**, шу жумладан, хо-
рижий мамлакатлардан етакчи мута-
хассисларни кенг жалб этиш орқали
бокс бўйича **тренерлар таркибини
мустаҳкамлаш**;

боксчиларнинг **ўқув-машғулот
жараёнини халқаро стандартлар
даражасида ташқил этиш**, илғор
тажрибани ҳисобга олган ҳолда,
ўқув-машқ жараёнларига энг янги
илмий-услубий технологияларни
жорий этиш йўли билан уларни на-
зарий ва техник-тактик жиҳатдан
тайёрлаш сифатини мунтазам оши-
риб бориш;

боксчиларнинг профессионал
фазилатларини ривожлантириш, шу-
нингдек, боксини ривожлантиришнинг
халқаро талабларига мувофиқ ҳолда
**Ўзбекистон миллий терма жамоа-
ларига юқори маҳоратли боксчи-
ларни тайёрлаш**;

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ГИМНАСТИКА БЎЙИЧА ОКСАНА ЧУСОВИТИНА СПОРТ МАҲОРАТИ МАКТАБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 5 ноябр-
даги “Спорт-таълим муассасалари
фаолиятини 2025 йилгача ривожлан-
тириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-5280-
сон қарорига мувофиқ, шунингдек,
спорт гимнастikasi бўйича иқтидор-
ли спортчиларни тайёрлаш, Олим-
пия ўйинларида ғолиб ва совриндор
бўлган спортчиларимиз фаолиятини
кенг тарғиб этиш мақсадида:

1. Спортни ривожлантириш вазир-
лиги тизимида **Гимнастика бўйича
Оксана Чусовитина спорт маҳора-
ти мактаби** (кейинги ўринларда —
гимнастика мактаби) ташқил этилсин.

2. Қўйидагилар **гимнастика мак-
табининг асосий вазифалари** этиб
белгилансин:

зарур спорт анжомлари ва уску-
налари билан жиҳозланган, замона-
вий халқаро талаблар ва стандарт-
ларга жавоб берадиган моддий-тех-
ник ҳамда ўқув-машғулот базала-
рини яратиш ва турли даражадаги
халқаро ва минтақавий мусобақа-
ларда — Олимпия ва Осиё ўйинла-
ри, жаҳон ва Осиё чемпионатлари,
универсиадалар ҳамда бошқаларда
Ўзбекистоннинг шарафини муносиб

ҳимоя қилишга қодир бўлган **хал-
қаро даражадаги спортчиларни
тайёрлаш**;

спорт гимнастikasi бўйича халқаро
даражадаги спортчиларни тайёр-
лаш учун юқори малакали **мутахас-
сис-тренерлар, психологлар ва ус-
лубчиларни**, шу жумладан, хорижий
мамлакатлардан етакчи мутахассис-
ларни кенг жалб этиш орқали **тре-
нерлар таркибини мустаҳкамлаш**;

спортчиларнинг **ўқув-машғулот
жараёнини халқаро стандартлар
даражасида ташқил этиш**, илғор
халқаро тажрибани ҳисобга олган
ҳолда, ўқув-машқ жараёнларига энг
янги илмий-услубий технологиялар-
ни жорий этиш йўли билан уларни
назарий ва техник-тактик жиҳатдан
тайёрлаш сифатини мунтазам оши-
риб бориш;

спортчиларнинг профессионал
фазилатларини ривожлантириш,
шунингдек, спорт гимнастikasини
ривожлантиришнинг халқаро талаб-
ларига мувофиқ ҳолда **Ўзбекистон
миллий терма жамоаларига юқори
маҳоратли спортчиларни тайёр-
лаш**;

▶ Давоми 2-бетда

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

ТОҒ-КОН САНОАТИ: УЛКАН ЗАХИРА, КАФОЛАТЛИ БОЗОР

Президентимизнинг “2022-2026 йилларга мўлжалланган
Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги
Фармони барчамиз учун ўзига хос дастуруламал бўлди. Мазкур
ҳужжатда ҳаётимизнинг барча жабҳалари қамраб олинган
бўлиб, унда нафақат иқтисодиёт, балки миллий юксалишнинг
барча соҳалари бўйича катта мақсадлар белгиланган.

▶ Давоми 3-бетда





Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БОКС БЎЙИЧА БАҲОДИР ЖАЛОЛОВ СПОРТ МАҲОРАТИ МАКТАБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

ёш истиқболли боксчиларни танлаш ва тарбиялаш масалалари бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия ва миллий спорт турларига ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари, олимпия ва паралимпия заҳиралари коллежлари, бокс бўйича олий спорт маҳорати мактаблари, спорт яккакурашлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби ва бошқа спорт-таълим муассасалари билан узлуксиз ҳамкорликни амалга ошириш;

бокс бўйича миллий терма жамоалар ва уларнинг заҳиралари иштирокида ўқув-масж йиғинлари, **республика ва минтақавий спорт мусобақаларини ташкил этиш** ҳамда мунтазам равишда ўтказиб бориш, тренерлар ҳамда боксчиларнинг касб маҳорати даражасини ошириш учун тажриба алмашиш бўйича хорижий бокс мактаблари, клублари ва марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

3. Белгилаб қўйилсинки: бокс мактаби ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 июндаги “**Спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида**”ги 410-сон қарорида белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширади, шу жумладан, юридик шахс мақомига эга бўлган ихтисослаштирилган умумтаълим давлат спорт-таълим муассасаси **ҳисобланади**;

бокс мактаби ўз фаолиятини **2022/2023 ўқув йилидан** бошлайди; бокс мактаби ўқувчиларининг умумий контингенти жами **175 нафар**ни ташкил этиб, улар **5-11-синф** ўқувчиларидан иборат бўлади;

бокс мактаби ўқувчиларини умумтаълим дастурлари бўйича ўқиш уларга энг **яқин жойлашган умумий ўрта таълим мактабларида** амалга оширилади;

бокс мактаби ўқувчиларини **яшаш учун жиҳозлар, суткалик озиқ-овқат нормаси, спорт кийим-боши ва анжомлари, форма билан таъминлашда** олий маҳорат спорт мактабларининг нормативлари татбиқ этилади; бокс мактаби ўқувчиларини текин (имтиёзли) овқатлантириш харажатларини қисман қоплаш учун **ота-оналар тўлови ундирилмайди** ҳамда ўқувчилар тўлиқ Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан озиқ-овқат билан таъминланади;

бокс мактаби директори, унинг ўринбосарлари, тренер-ўқитувчилар, йўриқчи-услубчилар, тарбиячилар **меҳнатига ҳақ тўлаш** ҳамда мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари ва тарбиячилар **меҳнатини рағбатлантириш** Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги “**Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг**

такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 275-сон қарорига мувофиқ;

бокс мактаби директори, унинг ўқув ва спорт ишлари бўйича ўринбосари, тренер-ўқитувчилар, йўриқчи-услубчилар, тиббиёт ходимлари **меҳнатини рағбатлантириш** Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 сентябрдаги “**Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида**”ги 211-сон қарорига мувофиқ;

бокс мактаби тиббиёт ходимлари меҳнатига **ҳақ тўлаш** Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги “**Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида**”ги 276-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

4. Қуйидагилар **бокс мактабини молиялаштириш манбалари** этиб белгилансин:

Давлат бюджети маблағлари; фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан ва мактабнинг устаивадаги вазифаларга мувофиқ бўлган бошқа фаолият турларидан олинган даромадлар;

асосий машғулотлар ўтказилмайдиган вақтда бўш турган мол-мулкни ижарага беришдан тушган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари; қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов):

а) уч ой муддатда: бокс мактабнинг **уставини тасдиқлаш**, шунингдек, уни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш; бокс мактабини замонавий педагогик технологияларни эгаллаган малакали педагог кадрлар ҳамда **тренерлар билан босқичма-босқич тўлдириш** чораларини кўрсин;

б) Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон бокс федерацияси билан биргаликда бокс мактабидида спортчиларни **тайёрлаш сифати юзасидан доимий давлат назоратини** амалга оширсин;

в) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда бокс мактабнинг бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг **штат жадвалини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин**;

г) Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда умумий ўрта таълим мактабларининг **ўқувчиларини бокс мактабидида шугулланиш** учун жалб этиш чораларини кўрсин.

6. Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Қурилиш вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги 2022 йил 1 августга қадар Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 9-мавзеда жойлашган **259-сон умумий ўрта таълим мактаби** ҳудудидида замонавий бокс мактаби ташкил этилиши ва жиҳозланишини таъминласин.

Бокс мактабини ташкил этиш ва жиҳозлаш учун Давлат бюджетидан жами **25 миллиард сўм** йўналтирилсин.

Вазирлар Маҳкамаси Спортни ривожлантириш, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, Молия вазирликлари билан биргаликда мазкур банд талабларидан келиб чиқиб 2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг тегишли параметрларини қайта кўриб чиқсин.

7. Қурилиш вазирлиги (Б.Закиров) бокс мактабнинг лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқишида энг мақбул меъморий (ишларни, хизматларни) қўланилишини, мактабини **инновацион технологияларга асосланган, арзон, энергия тежамкор ва тез барпо этиладиган енгил конструкция ва материаллардан қуриш, шинамлик ва экологик хавфсизлик** талабларига мувофиқлик юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказишни таъминласин ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан доимий **давлат архитектура-қурилиш назоратини** ўрнатсин.

8. Молия вазирлиги бокс мактаби фаолиятини сақлаш билан боғлиқ зарур маблағларни 2022 йил республика бюджетидида кўзда тутилган маблағлар доирасида, 2023 йилдан бошлаб эса Давлат бюджетни параметрларида назарда тутишни таъминласин.

9. Спортни ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариштириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб спортни ривожлантириш вазири **А.И.Икрамов** ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими **Ж.А.Артикходжаев** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ГИМНАСТИКА БЎЙИЧА ОКСАНА ЧУСОВИТИНА СПОРТ МАҲОРАТИ МАКТАБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

ёш истиқболли спортчиларни танлаш ва тарбиялаш масалалари бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия ва миллий спорт турларига ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари, олимпия ва паралимпия заҳиралари коллежлари, Гимнастика бўйича ихтисослаштирилган республика болалар-ўсмирлар олимпия заҳираси спорт мактаби, гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби ва бошқа спорт-таълим муассасалари билан узлуксиз ҳамкорликни амалга ошириш;

спорт гимнастикаси бўйича миллий терма жамоалар ва уларнинг заҳиралари иштирокида ўқув-масж йиғинлари, **республика ва минтақавий спорт мусобақаларини ташкил этиш** ҳамда мунтазам равишда ўтказиб бориш, тренерлар ҳамда спортчиларнинг касб маҳорати даражасини ошириш учун тажриба алмашиш бўйича хорижий спорт мактаблари, клублари ва марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

3. Белгилаб қўйилсинки: гимнастика мактаби ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 июндаги “**Спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида**”ги 410-сон қароридида белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширади, шу жумладан, юридик шахс мақомига эга бўлган ихтисослаштирилган умумтаълим давлат спорт-таълим муассасаси **ҳисобланади**;

гимнастика мактаби ўз фаолиятини **2022/2023 ўқув йилидан** бошлайди; гимнастика мактаби ўқувчиларининг умумий контингенти жами **165 нафар**ни ташкил этиб, улар **1-11-синф** ўқувчиларидан иборат бўлади;

гимнастика мактаби ўқувчиларини умумтаълим дастурлари бўйича ўқиш уларга энг **яқин жойлашган умумий ўрта таълим мактабларида** амалга оширилади;

гимнастика мактаби ўқувчиларини **яшаш учун жиҳозлар, суткалик озиқ-овқат нормаси, спорт кийим-боши ва анжомлари, форма билан таъминлашда** олий маҳорат спорт мактабларининг нормативлари татбиқ этилади;

гимнастика мактаби ўқувчиларини текин (имтиёзли) овқатлантириш харажатларини қисман қоплаш учун **ота-оналар тўлови ундирилмайди** ҳамда ўқувчилар тўлиқ Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан озиқ-овқат билан таъминланади;

гимнастика мактаби директори, унинг ўринбосарлари, тренер-ўқитувчилар, йўриқчи-услубчилар, тарбиячилар **меҳнатига ҳақ тўлаш** ҳамда мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари ва тарбиячилар **меҳнатини рағбатлантириш** Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги “**Халқ таълими ходимлари**

меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 275-сон қарорига мувофиқ;

гимнастика мактаби директори, унинг ўқув ва спорт ишлари бўйича ўринбосари, тренер-ўқитувчилар, йўриқчи-услубчилар, тиббиёт ходимлари **меҳнатини рағбатлантириш** Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 сентябрдаги “**Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида**”ги 211-сон қарорига мувофиқ;

гимнастика мактаби тиббиёт ходимлари **меҳнатига ҳақ тўлаш** Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги “**Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида**”ги 276-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

4. Қуйидагилар **гимнастика мактабини молиялаштириш манбалари** этиб белгилансин:

Давлат бюджети маблағлари; фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан ва мактабнинг устаивадаги вазифаларга мувофиқ бўлган бошқа фаолият турларидан олинган даромадлар;

асосий машғулотлар ўтказилмайдиган вақтда бўш турган мол-мулкни ижарага беришдан тушган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари; қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов):

а) уч ой муддатда: гимнастика мактабнинг **уставини тасдиқлаш**, шунингдек, уни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш;

гимнастика мактабини замонавий педагогик технологияларни эгаллаган малакали педагог кадрлар ҳамда **тренерлар билан босқичма-босқич тўлдириш** чораларини кўрсин;

б) Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон гимнастика федерацияси билан биргаликда гимнастика мактабидида спортчиларни **тайёрлаш сифати юзасидан доимий давлат назоратини** амалга оширсин;

в) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда гимнастика мактабнинг бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг **штат жадвалини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин**;

г) Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда умумий ўрта таълим мактабларининг **ўқувчиларини гимнастика**

мактабидида шугулланиш учун жалб этиш чораларини кўрсин.

6. Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Қурилиш вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги 2022 йил 1 августга қадар Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Сарақул кўчаси, 24 м-уй манзилида жойлашган **175-сон умумий ўрта таълим мактабига** туташ ҳудудда замонавий гимнастика мактаби ташкил этилиши ва жиҳозланишини таъминласин.

Гимнастика мактабини ташкил этиш ва жиҳозлаш учун Давлат бюджетидан жами **25 миллиард сўм** йўналтирилсин.

Вазирлар Маҳкамаси Спортни ривожлантириш, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, Молия вазирликлари билан биргаликда мазкур банд талабларидан келиб чиқиб 2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг тегишли параметрларини қайта кўриб чиқсин.

7. Қурилиш вазирлиги (Б.Закиров) гимнастика мактабнинг лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқишида энг мақбул меъморий ҳамда техник ечимлар қўланилишини, мактабини **инновацион технологияларга асосланган, арзон, энергия тежамкор ва тез барпо этиладиган енгил конструкция ва материаллардан қуриш, шинамлик ва экологик хавфсизлик** талабларига мувофиқлик юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказишни таъминласин ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан доимий **давлат архитектура-қурилиш назоратини** ўрнатсин.

8. Молия вазирлиги гимнастика мактаби фаолиятини сақлаш билан боғлиқ зарур маблағларни 2022 йил республика бюджетидида кўзда тутилган маблағлар доирасида, 2023 йилдан бошлаб эса Давлат бюджетни параметрларида назарда тутишни таъминласин.

9. Спортни ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариштириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб спортни ривожлантириш вазири **А.И.Икрамов** ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими **Ж.А.Артикходжаев** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

ТАШАББУС ҚАНОТ ЁЗДИ

Акбар РАҲМОНОВ,
журналист

Отасининг ортидан эргашган қизалоқ спорт зали эшиги олдида келганида бирдан тўхтаб қолди. Ичкариси чиройли спорт кийимидида болалар турли ҳаракатларни бажарарди. Секингина эшикдан мўралаб турган қизалоқни зимдан кузатди. Қизча ҳам-касби Бўрон аканинг фарзанди эди. Мураббий истаса, у ҳам спорт билан шугулланиб кўриши мумкинлигини айтди. Бу эса қизалоққа маъқул келди. Болалар сафидида туриб устоз кўрсатмаларини такрорлай бошлади. Унинг ҳаракатлари эса мураббийнинг ҳавасини оширди.

Бир оздан сўнг у орзуларга берилиб, машғул-лот ўтаётган болаларнинг олдида қандай бориб қолганини сезмай қолди. Мураббий ёш спортчиларнинг ҳаракатларига ҳайрат билан тикилиб турган қизалоқни зимдан кузатди. Қизча ҳам-касби Бўрон аканинг фарзанди эди. Мураббий истаса, у ҳам спорт билан шугулланиб кўриши мумкинлигини айтди. Бу эса қизалоққа маъқул келди. Болалар сафидида туриб устоз кўрсатмаларини такрорлай бошлади. Унинг ҳаракатлари эса мураббийнинг ҳавасини оширди.

Ҳар кунни тонгда туриб, мактаб стадионидида югуришни одат қилган Бўрон ака бугун ортидан югуриб келаётган ўзининг қизи — етти ёшли Гулдонани кўрди. Бир оз иккиланча, қизалоқнинг шаштини сўндирмай, йўлида давом этди. Ҳали бола, эртага ёқмайди, бугунча югураверсин, дея зимдан кузатганча ҳаракатни давом эттириб борарди. Аммо бу ҳолат иккинчи,

ПРЕЗИДЕНТГА ТАКЛИФ БЕРГАН ЧЕМПИОН ҚИЗЛАРНИНГ ОРЗУСИ УШАЛДИ

учинчи кун ҳам такрорланаверди. Энди қизи шунчаки қизиқиш эмас, спорт билан шугулланишни астойдил мақсад қилганини англади. Гулдонани ёнига олиб, машғулотлар сари етаклади.

Абжир қизалоқ дастлаб кураш билан шугулланишни бошлади. У майдонга тушар экан, рақибидан чўчимас, ҳаттоки, ўғил болаларини ҳам даст кўтариб, ҳалол енгиб кўярди. Бу ҳаракатлари натижасида тезда маҳалла ёшлари орасида кучлилар қаторидан жой олди. Аста-секин туман миқёсида ташкил этилган мусобақаларда голибликни қўлга киритди. Кейинчалик дзюдо, самбо силрларини ҳам ўзлаштириб, бу спорт турларидан ҳам биринчиликларда гилмага чиқа бошлади.

Бир оз ўлгайиб, Яккабоғ туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабидида машғулотларни давом эттирди. Тажрибасини бойитди. У мактабини тугатаётганида бир неча бор Ўзбекистон, халқаро мусобақалар ва Осиё чемпионлигини қўлга киритганди.

Гулдона Рўзиева олий ўқув юртини тамомлаб, ёш қизларга самбодан устозлик қила бошлади. Лексин болалигидида каби қизлар учун алоҳида спорт зали бўлишини, унда мураббийлик қилишни орзулаб юрарди. Кўп иқтидорли қизлар бир оз тортинчоқлик билан спортни эрта



тарк этиб кетишини хаёлига келтириб, ўзининг болалиги ёдида тушарди.

Вақти келиб орзусини амалга оширишга йўл очилди. 2020 йил ноябрь ойида Президентини

мизнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида ёшлар билан учрашув ташкил этилди. **Учрашувда шогирди Мушарраф Ибодуллаева билан иштирок этган Гулдона Рўзиева Яккабоғ**

туманида қизлар учун алоҳида самбо зали кераклиги борасида ўз таклифини айтди. Бу таклиф Президентимиз томонидан қўлаб-қувватланди. Тез орада ҳаракат бошланиб, 2021 йилда 1 миллиард 400 миллион сўмдан ортқ маблағ эвазига Яккабоғ туманидаги болалар-ўсмирлар спорт мактаби ҳудудидида қизлар учун замонавий самбо зали қад ростлади.

Барча қўлайликларга эга спорт мажмуаси, керакли жиҳозлар билан таъминланиб, яқинда фойдаланишга топширилди. Бугун бу жойда 60 га яқин қиз машғулотларни бошлаб юборган.

— Яккабоғ туманидаги спортчи қизларнинг орзуси амалга ошди, — дейди Гулдона Рўзиева. — Замонавий типда, шинам ва чиройли спорт мажмуасида шугулланган ҳар бир қиз эртага чемпион бўлиши аниқ. Бундай шароитларни яратиш тақлимфимизни қабул қилиб, спортчи қизларга имконият яратган Президентимизга катта раҳмат айтамыз. Биз мураббийлар бундай қўлайликлардан унумли фойдаланиб, қизлар ўртасида чемпионлар сафини оширишга бел боғладик.

Дарҳақиқат, бугун яккабоғлик спортчи қизларнинг азалий орзуси амалга ошди. Айни пайда ушбу янги спорт қошонасида Мушарраф Ибодуллаева, Мухлиса Турдиева, Гулҳаё Жўраева, Фароғат Нурмаматова, Фарангиз Шавкатова, Мухлиса Эшбобоева каби Ўзбекистон, Осиё ва жaxon чемпионлари шугулланмоқда. Уларнинг ортидан эргашиб, бу ерга қадам ташлаётган ҳар бир ёш қизалоқ эртанги кунда чемпион бўлмасдан қолмайди. Энг муҳими, соғлом ва баркамол бўлиб вояга етади.



Абдулла ХУРСАНОВ,
“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ бошқаруви раиси

Бошланиши 1-бетда

Дастур аввало, ижтимоий аҳамияти билан қимматли. Унда давлатимиз раҳбарининг “Халқимиз биздан рози бўлиши керак”, деган бош ғояси устувор ўрин эгаллаган. Унда қайд этилган юртдошларимизнинг турмуш даражасини кўтариш, ижтимоий ғамоясини кўчатириш, тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш, солиқ юкини камайтириш, соғлиқни сақлаш, халқ таълими тизимлари самардорлигини ошириш, ахборот технологияларини жорий этиш, шунингдек, болалар ва ўсмирлар, кексаларни қўллаб-қувватлаш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, соҳаларни такомиллаштириш каби улкан вазифалар жамиятимизнинг мақсадини англаб, эш четишимиз учун етарли.

Шу билан бир қаторда, миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашга қаратилган саноат сиёсатини амалга оширишга ҳам катта эътибор қаратилган. Ялпи ички маҳсулотда саноат улушини кўпайтириш ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини 1,4 баробарга ошириш режалаштирилган. Мис ва ундан фойдаланган ҳолда бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажминини икки баравар ошириш, шунингдек, саккиз миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқаришга замин яратиш мақсадида мис саноати кластерларини ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Саноатимизни ривожлантириш йўлида амалга оширилиши белгиланган ушбу ислохотлар ва қўзланган мақсадларга эришишда “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Мис саноати кластери, кимё, машинасозлик, электротехника ривожига муҳим лойиҳа

JORC кодексига мувофиқ амалга оширилган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, комбинатнинг мис ресурслари 45 миллион тоннани, олтин захиралари эса беш минг тоннани ташкил этади. Ушбу геология қидирув ишларининг натижаларига таянган ҳолда комбинатимизни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Унга кўра, 2030 йилга бориб мис ишлаб чиқаришни 515 минг тонна, олтинни 52 тонна, қумушни 343 тоннага етказиш кўзда тутилмоқда. Бу марраларга эришиш учун комбинатнинг кўп минг кишилиқ жамоаси томонидан улкан бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилган.

Айни пайтда комбинатда “Ешлик I” конини ўзлаштириш лойиҳаси” доирасида кон фаолияти учун зарур бўлган янги инфратузилма объектлари, яъни темир йўл ва станциялар, кон-транспорт воситаларини таъмирлаш ва йиғиш цехлари қурилмоқда. Шунингдек, 650 мегаватт қувватга эга ташки электр тармоғи барпо этилган.

“Ешлик I” конидан 3-мисни бойитиш фабрикасига маъдан ташиш харажатларини камайтириш мақсадида кон бортда майдалаш комплекси ва узунлиги 4 километр бўлган айланма-оқим технологияси қурилиши учун майдон тайёрланмоқда. Бу ерда маъданларни майдалашнинг дастлабки босқичи амалга оширилади. Коннинг устки қатламини ташиш учун ҳам айнан шундай технология жорий этилмоқда.

Юртимиз қончилиги ривожини учун муҳим воқеа — йилга 60 миллион тонна рудани қайта ишлаш қувватига эга бўлган 3-мис бойитиш фабрикасининг қурилиш ишлари қизғин давом этмоқда. Фабрика қурилиши учун 106 гектар ер майдони ажратилган бўлиб, қурилиш майдони комбинат ишчи кучлари билан тайёрланди.

Янги фабрикани қуриш учун хорижий пудратчи ташкилотлар жалб этилган. Ушбу фабрика Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ягона бўлиши билан бирга, унинг барча технологик жараёнлари тўлиқ замонавий ускуналар ёрдамида автоматлаштирилади. Бу инсон омилнинг технологик жараёнларга таъсирини камайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

Фабрика билан биргаликда унинг фаолиятини барқарор таъминлаш мақсадида, параллел равишда бу ерда соатига 23 минг куб метр қувватга тенг сув таъминоти объектлари ҳамда ишлаб чиқариш қуввати 360 минг тонна бўлган янги оҳак заводи қурилиши бошланган.

3-мисни бойитиш фабрикаси комбинатнинг нафақат ишлаб чиқариш қувватини 2,5 баробар оширади, балки мис саноати кластерини, кимё, машинасозлик, электротехника ҳамда автомобилсозлик тармоқларининг ривожланишига ҳам замин яратди.

Бойитиш фабрикалари қувватининг ошиши ҳисобига маҳаллий технологик ускуналар, эҳтиёт ва бутловчи қисмлар билан тўлиқ таъминлаш

учун комбинат таркибида янги тармоқ — машинасозлик заводини қуриш лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилди. Бу лойиҳа, аввало, комбинат машинасозлиги учун жуда муҳим. Машинасозлик заводи 4 та мис бойитиш фабрикаси учун йилга умумий қиймати 200 миллион доллар бўлган майдалагич, тегирмон каби ускуналар ҳамда бутловчи-эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш имконини беради.

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси ва кўрсатмалари билан Олмалиқда кейинги босқичда 4 ва 5-мис бойитиш фабрикасини қуриш мақсад қилинган.

Шу билан бирга, янги мис бойитиш фабрикаларидан олинган 2 миллион тонна мис кон-

Шунингдек, мис бойитиш фабрикасида янги, 4-айланма сув қабул қилиш коллектори қурилди. Қўллаб зарур асбоб-ускуна, сув тортиш комплекси фойдаланишга топширилди.

Мис эритиш заводида импорт концентратини қабул қилиш учун темир йўл эстакадаси қурилди ва ҳажми 16 куб метрлик 2 та бункер ўрнатилди. Шихталаш цехи, 5-сонли кислород блоки, 3 ва 4-сонли сульфат кислотаси цехлари, эритиш печлари тўлиқ қайта таъмирланиб, мис электролиз цехида хизмат кўрсатиш майдончалари реконструкция қилинди.

Бу йил мазкур завод тизимида 10 километрдан зиёд эскирган технологик қувурларни ва 5 километрдан зиёд кабель эстакадаларини



центратини қайта ишлаш учун умумий қуввати 400 минг тонна мис катоди чиқаришга мўлжалланган металлургия комплекси бунёд этилади. Комплекс таркибиде янги металлургия цехи, 5-сонли сульфат кислотаси цехи, мисни электролиз қилиш ва ҳаво тақсимлаш цехлари барпо этилади.

алмаштириш, 2 та сув тозалаш филтрини реконструкция қилиш ҳамда 8 та маъмурий бино ва 3 та ошхонани капитал таъмирлаш кўзда тутилган.

Мисни қайта ишлаш ҳажми ошади

Жаҳон бозорида мис ва рангли металлларга талаб жуда катта. Халқаро даражадаги эҳтиёжлар ҳисобга олинса, бугунги кунда комбинат олдида турган яна бир долзарб вазифа — мис саноати кластерини ривожлантириш.

Ушбу ғоят муҳим жараён комбинат меҳнат жамоаси олдига металлларни чуқур қайта ишлаш ва янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш вазифасини қўяди. Бунинг ортидан мисни қайта ишлаш ҳажми республикада 50 фоиздан 80 фоизгача етказилиши белгиланган.

Бугунги кунда комбинатда мисни қайта ишлаш ва юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар

ишлаб чиқариш бўйича 76 миллион долларлик 22 та лойиҳа шакллантирилди.

Шунингдек, Тараққиёт стратегиясида белгиланган ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида “Олмалиқ КМК” АЖ Нодир металллар ва қаттиқ қотишмалар илмий ишлаб чиқариш бирлашмасини ривожлантириш ва янги маҳсулотларни ўзлаштириш дастури ишлаб чиқилди.

Дастур нодир металллардан юқори қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, мис асосида рангли металлларни қайта ишлаш, илмий ишланмаларга асосланган технологияларни жорий этиш, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларида янги қувватларни ташкил этиш каби йўналишларни қамраб олади.

Хусусан, дастурга мувофиқ мазкур корхонада 4 та йўналиш бўйича жами қиймати 61,52 миллион долларлик 30 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Натижада қўшимча 3,52 триллион сўмлик (2021 йилга нисбатан 10,4 баравар) маҳсулот ишлаб чиқарилади ва 133,7 миллион долларлик (2021 йилга нисбатан 5,4 баравар) қўшимча экспорт ҳамда 620 дан зиёд янги иш ўринлари яратилади.

Эътиборлиси, комбинат тизимидаги бунёдкорлик ишлари, қурилаётган янги объектлар базасида саноат ва илм-фан интеграцияси ривожланиб, ёш олимлар, фан докторлари сафи кенгаймоқда. Энг муҳими, ёш қончи-металлург мутахассислардан иборат етук кадрлар захираси шакллантипти.

Комбинатда фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг ёрқин намунасини “Нодир металллар ва қаттиқ қотишмалар илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси” қошида ташкил этилган “Ўзбек — Корес” илмий технологик маркази мисолида кўриш мумкин. Ушбу марказда олиб борилган самарали изланишлар натижасида лаборатория шароитида янги турдаги маҳсулотлар ўзлаштирилади.

Жумладан, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси ҳисобига комбинат мутахассислари 2021 йилда соф рений метали олишга эришди. Бундан олдинроқ олим ва мутахассисларимиз соф палладий олишга муваффақ бўлган эди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, комбинатимиз фаолияти билан боғлиқ режа ва ютуқларимиз замирида, аввало, инсон омили ётади, минглаб ишчилар, илмий ходимларнинг заҳматли хизмати муҳассам. Шундан келиб чиқиб айтмиш: ишчиларимизнинг иш ва яшаш шароитларини яхшилаш энг муҳим вазифамиздир. Шу ўринда мазкур йўналишда қилинган ишлардан биргина тасмол келтирсак мақсадга мувофиқ; 2020 йилда 10 та 7 қаватли уй-жой барпо этилди. Ҳозирги кунда ушбу уйларда 384 оила истиқомат қилмоқда.

Комбинатда барпо этилган тиббий хизмат кўрсатиш бўлимлари, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, ҳаммом, ошхоналар — буларнинг барчаси, энг аввало, ишчи-ходимларнинг яшаш шароитини яхшилашга қаратилган. Зеро, ишчиларимизнинг соғлом, ўз ҳаётидан мамнун бўлиб яшаш, мақсад қилинган улкан режаларимиз амалга оширилиши самарадорлигини таъминлайди.

БУГУННИНГ ГАПИ

Фарҳод НЕҒМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бугуннинг долзарб масалаларидан бири аҳолини доимий иш билан таъминлашдир. Бу муаммони, аввало, тadbirkorликни ривожлантириш, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тadbirkorлик ҳиссини уйғотиш, инфратузилмани яхшилаш орқали ҳал этиш мумкин.

Маҳаллаларда ушбу масалалар билан ишлаш ҳоким ёрдамчилари зиммасига юкланди. Улар ҳозир ҳокимият органлари ва аҳоли ўртасида кўприк вазифасини бажармоқда, халқ ичига кириб, ҳар бир оиланинг турмуш шароити билан танишмоқда, муаммоларини ечишга ёрдам берапти. Бундан аҳолининг мамлакатдаги ўзгаришларга, ёруғ келажакка ишончи ортмоқда.

— Шу маҳаллада яшаганим учун одамларнинг ҳаммасини танийман, турмуш шароитини яхши биламан, — дейди Жиззах вилоятининг Дўстлик тумани Наврўз маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Матлаб Нурмухамедов. — Маҳалламизда 8200 киши истиқомат қилади. Дастлаб оилаларда сўровнома ўтказиб, уларни намунали, ўрта ва эҳтиёжманд хонадонларга ажратдик. Барча оилаларни намунали оиллага айлантиришни мақсад қилганмиз. Бу бандларвоз гап эмас. Бунинг учун имкониятлар етарли. Энг муҳими, кўпчиликда тadbirkorликка қизиқиш балинд. Маҳалламизда чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, иссиқхоначилик ривожланган. Бугун интен-

сив усулда балиқ парваришлагга ҳам қизиқиш ортмоқда. Яқинда узумчиликка қизиқиши бор 20 оиллага 20 сотихдан ер ажратилди.

Мазкур маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси ва маҳалла раиси вазифасини бажарувчи Зилола Юсупова ҳамроҳлигида маҳаллага чиқдик.

— Маҳалламиздаги энг ёш, аммо ташаббускор тadbirkor оилалардан бири Назаровлар оиласи бу йил аҳолига берилаётган имтиёзлар туфайли 3 сотих ерда иссиқхона ташкил қилиб, қўлундай етиштирди. Қиш чилласида витаминга бой қўлундай елнингиз ҳам ўзгача гашти бор, харидорлари бисёр, — дейди Зилола Юсупова. — Эшитишимча, савдогарлар ҳамто олдидан пул тўлаб, қўлундай олишга навбатда туришаётган экан. Маҳалла билан танишишни шу ердан бошласак бўлади.

Оила бошлиғи иш юзасидан Жиззах шаҳрида экани сабаб уй бекасини суҳбатга тортидик.

— Бу йил тажриба тариқасида қўлундай етиштирдик. Натижаси яхши бўлди. Харажатларимиздан ташқари яхшигина даромад ҳам олдик. Қўриб турганингиздек, қўлундай яна ҳосилга киряпти. Бу қўшимча пул дегани. Агар барча агротехник тadbirkorлар вақтида ўтказилиб, яхшилаб парваришланса, 40 миллион сўмгача даромад олиш мумкин. Ҳовлимиз ёнида яна қўшимча ер бор. Ҳоким ёрдамчисига тақдирларимизни айтдик. Насиб қилса, бу йил фаолиятимизни яна кенгайтира-миз, — дейди Нафосат Назарова.

— Энди сизни маҳалламиздаги кўп тармоқли тadbirkorлар оиласи бошлиғи Юсуф Яхшибоев билан таништирамиз, — деди ҳоким ёрдамчиси. — Олдинлари фақат парда тикиш, автомобилларга тех-



ник хизмат кўрсатиш билан шуғулланган оила ҳозир паррандачилик ва интенсив усулда балиқ етиштиришга ҳам қўл урган. — Тўғриси, олдинлари иш юзасидан бирор муаммони ҳал қилиш учун шунча масофани босиб туман, вилоят марказига ташкилотларга қатнардик. Изаб борган раҳбарларни топиш, гаплашиб бир муаммо бўлса, ишимизни ҳал қилиш яна бир муаммо эди, — дейди Юсуф ака. — Ҳозир барча масалаларни ҳоким ёрдамчиси билан телефон орқали ҳам ҳал қилаймиз. Шароф Рашидов туманидаги интенсив усулда балиқ етиштирадиган корхона ҳақида эшитиб, фаолияти билан танишдим. Шундан сўнг менда ҳам балиқ етиштиришга иштиёқ уйғонди. Шу ернинг ўзида Матлабжонга телефон қилиб,

мақсадимни айтдим. Хурсанд бўлиб, сиз ҳаракатни бошланг, биз барча шароитларни яратиб берамиз, деди. Бир ҳафта ичида кредит расмийлаштириб, балиқчиликни йўлга қўйдик. Хали балиқларимиз кичик. Сотиб фойда қўришга уч-тўрт ой бор. Шунинг учун имтиёзли кредит асосида 400 донна товук сотиб олдик. Ҳар кун 300 та тухум оляймиз. Дўкандан арзон бўлгани учун маҳалладошларимиз уйимиздан олиб кетмоқда. Кўнлик даромадимиз бор. Ун кишини иш билан таъминлаганам.

— Энди сиз билан иссиқхона соҳасида тажрибага эга тadbirkorларимизни таништирамиз. Ушбу вазифага ўтганимдан сўнг уларга ҳам имтиёзли кредит олишида ёрдамлашдим. Ҳозир иккала-

сининг ҳам иссиқхонасида редискарлар фарқ пишган, сотишга тайёр, — деди Матлаб Нурмухамедов.

Икки адаш — Баҳодир Сайфуллаев ва Баҳодир Мамараҳимовнинг иссиқхоналари ёнма-ён жойлашган. Улар ҳам бугунги ислохотлардан, ҳоким ёрдамчисининг фаолиятидан мамнун.

— Сизни яна бир оқсоқол тadbirkorимиз Жозил Эргашев фаолияти билан таништирамиз, — деди ҳоким ёрдамчиси. Шундан сўнг Жозил Эргашевнинг маҳалла чеккасидеги дала ҳовлисига йўл олдик.

Бизни меъзон — нуруний отахон кутиб олди. Мақсадимизни билгач, уйининг ёнидаги лимонзорига бошлади.

— Бу лимонларни ўтказганимга ўн йил бўляпти, — деди Жозил бобо. — Лимонларини ҳам ўзига яраша сирасори бор. Бир сотих жойда 18 тул лимон парваришлайман. Жорий мавсумда бир тонна юз кило лимон олдим. Яхшилаб меҳр бериб қарасангиз, шунча ердан 15-17 миллион сўм даромад қилиш мумкин. Шу вақтгача 50 дан зиёд одамга лимон парваришлаш сирасорини ўргатдим. Улар ҳозир мустақил равишда лимон етиштиряпти. Яна қизиқувчилар келса, ўргатаман. Ахир асосий мақсади-миз тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш орқали юртимизни ривожлантириш-қу. Бундан ташқари, асаларичилик билан ҳам шуғулланаман. Қизиқувчиларга асалари оиласини етказиб бераман. Ушбу йўналишда беш кишини доимий иш билан таъминлаганман, уларга ўрта ҳисобда 5 миллион сўмгача ойлик бераман. Ҳозир улар асалариларини олиб, Сурхондарё тоғларига кетган. Туман ҳокими ва ҳоким ёрдамчиси билан келишиб, асалари боқиш бўйича кооператив



туздик. Одамларга асалари оиласини бериб, парваришлашни ўргатиб, ҳосилни узимиз харид қилишга келишдик. Шу йўл билан ҳам аҳолини меҳнатда, даромад топишга ўргатаямиз. Мамлакатимизда одамларнинг ҳалол меҳнат қилиб, фаровон яшашга барча шароитлар етарли. Аҳоли иш билан банд бўлиб, даромад топса, бу уларда хотиржамликни таъминлаб, келажакка бўлган ишончни мустаҳкамлайди. Давлатимиз раҳбари инсон қадри, манфаъати ва халқ розилигини давлат сиёсати даражасига қўтарди. Бугун ҳар бир маҳаллада Президентимизнинг Матлабжонга ўхшаган вакили бор. Буларнинг ҳам асосий вазифаси тadbirkorликни ривожлантириб, янги иш ўринларини яратиш. Бу йўлда озгина бўлса-да, ҳиссам борлигидан хурсандман.

Дарҳақиқат, маҳаллаларни обод қилиш, тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлашга яқиндан қўмақлашиш мақсадида жорий қилинган ҳоким ёрдамчиларни лавозими давлатимиз раҳбарининг халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқга хизмат қилиши керак ёки халқимиз узоқ ўтмишда эмас, ҳозир яхши яшаш керак, деган халқпарвар сиёсатнинг амалдаги ифодасидир.



ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

ТИНИМСИЗ ИЗЛАНИШ, ҲАЛОЛ ВА ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ андижонликлар фаровон келажагига замин ҳозирламоқда



Шуҳрат АБДУРАҲМОНОВ,
Андижон вилояти ҳокими,
сенатор

Бошланиши 1-бетда

Халқ манфаати ҳамма нарсдан устун

Президентимизнинг 2021 йилда вилоятимизга ташифи чоғида: “Андижонга келишимиздан мақсад — одамларнинг дардини таҳлил қилиб, аниқ режаларни белгилаш, аҳоли жон бошига даромадни ошириш, маҳаллаларда шароитни яхшилаш, Андижоннинг бирини икки қилиш учун яна қандай “ўсиш нукталари” бор, одамларни қийнаётган нима муаммолар бор, деб савол қўйиб, уларга чора топиш зарур”, деган эди. Дарҳақиқат, ислохотларни амалга оширишдан олдин ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос камчилик ва муаммоларини чуқур таҳлил қилиш лозим.

Бугунги кунда Андижон вилоятида аҳоли жуда зич жойлашгани сабабли уй-жойга талаб ортиб бормоқда, иш билан таъминлаш масаласи ҳам долзарбликка эришмоқда. Вилоятда ишсизлар сони 135 минг, хорижга ишга кетганлар сони 193 минг, илк мартаба меҳнат бозорига кириб келаётган ёшлар сони 51,6 минг нафарни ташкил этмоқда. Утган йили ишга муҳтож бўлган 205 минг фуқаронинг бандлиги таъминланди. Натижада ишсизлик даражаси 9,5 фоиздан 8,7 фоизга туширилган. Жорий йилда 191 минг кишининг бандлигини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди. “Темир дафтар”га киритилган оилалар, уларни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликдан чиқариш бўйича қарийб 6 минг киши ишли бўлди. “Аёллар дафтра”га киритилган 24,8 минг хотин-қизнинг бандлигига эришилди.

Кам таъминланган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож 335 аёл имтиёз асосида уй-жой билан таъминланди. “Ёшлар дафтра”га киритилган 44 минг 854 нафар ёшдан бугунги кунга қадар 97 фоизга амалий ёрдам кўрсатилиб, ушбу дафтардан чиқарилди.

Ишсизлик даражаси юқори бўлган 210 та маҳаллада ўтказилган учрашувларда қарийб 130 минг хонадон вакиллари иштирок этди ва бу йўналишда маълумотлар тўплаган, зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди. Доимий даромадга эга бўлиши учун 11,5 минг хонадон вакиллари оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кредит ажратилди.

Маҳалла — кўмак маскани

Давлатимиз раҳбари томонидан 2022 йилга “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб ном берилиши бежиз эмас, албатта. Чунки фуқароларнинг биринчи мувожаат қиладиган, кўмак сўраб борадиган манзили маҳалладир. Оилаларда бўлаётган турли ҳолатлар, фуқароларнинг дарду ташвиши, муаммоларини ечишда жамиятимиз асоси бўлган маҳалла ҳал қилувчи масканга айланди. Шундай экан, бугун маҳалла тузилмаларининг имкониятини ҳар жиҳатдан ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш бевосита фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланиши ҳамда инсон қадри устуворлигига хизмат қилади.

Бугунги кунга келиб виллоятда мавжуд маҳалла фуқаролар йиғини сони 887 тага етди. 294 та маҳалла фуқаролар йиғини биноси жорий таъмирдан чиқарилди, 80 таси реконструкция қилинди. 126 та маҳалла биноси замонавий лойиҳалар асосида янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. 356 та маҳалла компьютер жамланмалари ҳамда 140 та маҳалла мебель хизматлари билан таъминланди.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг жамиятда тугган ўрни ва нуфузини янада кўтариш, давлат ва жамият ривожига ўз ҳиссасини қўшиш, гендер тенгликни таъминлаш мақсадида 30 дан зиёд йўналишда

қўрик-танловлар, илмий-амалий конференциялар, давра суҳбатлари ўтказилди. Ушбу тадбирларга 24 мингдан зиёд хотин-қиз қамраб олинди.

Вилоят, шаҳар ва туманлар хотин-қизлар жамоатчиликлари кенгашлари таркибига 300 нафарга яқин фаол хотин-қиз ва масъул вилоят ташкилотлари раҳбарлари киритилди. Турли даражадаги раҳбарлик лавозимларида ишловчи аёллар сони 2 минг 571 нафарга етди. 170 та корхона, ташкилот ва муассасада Аёллар маслаҳат кенгашлари ташкил этилди. Маҳаллаларда “Бибиҳоним мактаблари” фаолияти йўлга қўйилиб, уларга 20 минг нафардан зиёд қиз жалб этилди.

Эҳтиёжманд оилаларда олий маълумот олиш истагига бўлган 2 минг 789 хотин-қизга олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш учун тавсиянома берилди. 185 нафари имтиёзли равишда олий таълим муассасаси талабаси бўлди. Ижтимоий қийин вазиятдаги 606 хотин-қизга шартнома пули тўлаб берилди. 600 га яқин хотин-қизга психологик-ҳуқуқий ва ижтимоий кўмак, таъйиқ ва ўзвонликка учраган 3 минг 166 хотин-қизга ҳимоя ордери берилди.

“Аёллар дафтра”ига 75 минг 309 нафар хотин-қиз киритилди. Уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка йўналтириш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда саломатлигини тиклашга қарийб 277 миллиард сўм йўналтирилди.

Вилоятимизда 284 мингдан зиёд кекса, 850 нафар фронт орти хизматчиси, 13 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси истикомат қилмоқда. Уларни эъзозлаш, ёшлар тарбиясида ҳаёт тажрибасидан унумли фойдаланиш мақсадида “Уч авлод” учрашувлари, “Кексалар ҳафталиги”, “Кексалар учун туризм” ойлги, “Инсон инсон учун азиз” шиори остида ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирлари оммавий равишда ўтказилди. Уларда 91 минг нафардан зиёд кекса иштирок этди. Қарийб 10 минг 400 нафар фахрий чуқурлаштирилган тиббий қўриқдан ўтқа-



зилиб, 122 нафари реабилитация воситалари билан таъминланди. 18 минг 561 нафарининг виллоят ва республиканинг зиёрат туризм объектиларига, музей ва муқаддас қадимжоларга саёҳатлари ташкил этилди.

“Ҳар бир нуроний беш нафар ёшга мураббий” тамойили асосида маҳаллалардаги “Кексалар маслаҳати гуруҳи”нинг 1 минг 256 нафар аъзоси, фаол нуронийлар 5 минг нафардан зиёд тарбияси оғир, маънавий кўмакка муҳтож, уюшмаган ва ишсиз ёшга мураббий этиб буюктирилди.

Маҳаллаларнинг “ўсиш нукталари” аниқланди, 148 та маҳалла “Бир маҳалла — бир махсулот” тамойили асосида итти-сослаштирилди. Томорқа ер эгаларининг 188 гектар ер майдонида кичик ҳажмдаги иссиқхоналар ташкил этилди. Натижада 12 мингдан зиёд қўшимча иш ўрни яратилди, сифатли кишлоқ ҳўжалиги махсулотлари етиштириш ҳажми ва аҳолининг даромади орттишига эришилди. “Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла” тамойили асосида маҳаллаларда хашар-лар ташкил этилди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси довомида маҳаллаларда ва хонадонларда 2 миллион 951 минг тулдан ор-



тиқ меваали, манзарали дарахт кўчати ва қаламчалар экилди. Бугунги кунда 8 та ҳудудда жамоат парклари ҳамда 15 та ҳудудда яшил майдонлар ташкил этилди. Ушбу ҳудудларга 1 миллиондан зиёд кўчат экилди. Жумладан, Янги Андижон шаҳри ҳудудининг 93 гектар қир-адирликларига қўшимча 120 минг тулдан зиёд манзарали кўчат экилиб, замонавий томчилатиб суғориш технологияси орқали парвартиш қилинмоқда. 2022 йилда 12 та ҳудудда турли манзарали дарахт ва буталар экилиб, яшил ҳудудлар ташкил этилади.

“Обод кишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида танлаб олинган 31 та маҳаллада қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жорий йилда 5 минг 83 та хонадондан иборат 183 та кўп қаватли уй-жой қурилиши якунига етказилди. Бундан ташқари, 2022 йилда ипотека кредити асосида виллоят бўйича 161 та (4 минг 374 хонадон) кўп қаватли уй-жой қурилиши режалаштирилмоқда.

Янги Андижон шаҳрининг тамал тоши қўйилди

Ўтган йил умумий майдони 4 минг гектар бўлган, 2 минг гектар қисмида уй-жойлар, ижтимоий объектлар, саноат

ги шундаки, 1 километр асфальт-бетон йўл қуриш учун 600 миллион сўм маблағ сарфланса, 1 километр цемент-бетон йўлга 527 миллион сўм маблағ қийфоз қилади. Қўрииб турибдики, ҳар бир километрдан ўртача 70-75 миллион сўм маблағ тежаб қолинмоқда. Буни виллоят миқёсидаги йўллар мисолида олиб қарайдиган бўлсак, иқтисод қилинган рақамлар анча йириклашади.

Андижон шаҳрида бир кунда ўртача 700 минг йўловчи автотранспорт хизматидан фойдаланади. Ташилган йўловчилар сони жиҳатидан виллоятимиз Тошкент шаҳридан кейин иккинчи ўринда туради. Аҳоли сони ортиб бориши ҳамда йўловчиларга арзон ва сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида 2021 йилда виллоятга 66 та янги автобус олиб келинди. Бундан ташқари, шу кунга қадар қўшимча 9 та замонавий микроавтобус келтирилди. Жорий йил апрель ойига яна 14 та автобус ва 31 та микроавтобус олиб келиш режалаштирилган.

Бундан қўзланган асосий мақсад шаҳар аҳолисининг узонини яқин, мушқулини осон қилиш орқали уларга самарали хизмат кўрсатиш ҳамда шаҳар ҳудудига қузелтилаётган тирбандликларни бартараф этишдан иборат.

Шу кўнларда Андижон давлат тиббиёт институти клиникасида ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари жадаллашган. Клиника йил якунига қадар фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, 2019-2021 йиллардаги инвестиция дастури доирасида РШТЭИМ Андижон филиалининг даволаш бўлими ва янги қабулхона биноси барпо этилди. Жорий йилда инвестиция дастури асосида филиалнинг қолган бино-иншоотлари реконструкция қилиниши режалаштирилган.

Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан, таълим-тарбия тизимини бошланади

Бугунги кунда виллоятимизда 2 минг 762 та, жумладан, 543 та давлат ҳамда 2 минг 219 та нодавлат мактабга таълим ташкилоти фаолият юртимокда. Уларда қарийб 200 минг бола тарбияланмоқда.

Утган давр мобайнида 6 та давлат, 13 та давлат-хусусий шериклик асосида ва 1 минг 132 та оилавий болалар боғчаси фаолияти йўлга қўйилди ҳамда 264 та бир йиллик мактабга тайёрлов гуруҳи фаолият бошлади.

Виллоятда жами 5 минг 279 та спорт иншооти мавжуд бўлиб, аҳоли ва ёшларнинг спорт билан шўғулланиши учун барча шароит яратилди. Жумладан, 50 километр “саломатлик йўлакчари” ҳамда 49 километр велосипед йўлакчалари ва 856 та воркәут майдончаси ташкил этилди.

Бугунги кунга қадар аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида қарийб 19 мингдан ортиқ оммавий жисмоний тарбия ва спорт тадбири ўтказилиб, уларга 890 мингдан зиёд ёш жалб этилди. Натижада виллоят аҳолисининг жисмоний тарбия ва спорт тадбирларига қатнашиши 19 фоиздан 30 фоизга етказилди.

Ҳозирги кунга келиб виллоят бўйича 16 та рақамли технологиялар ўқув маркази фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, IT парк томонидан виллоятнинг барча туман ва шаҳарларида 16 та рақамли мактаб лойиҳаси ишга туширилди. Мазкур ўқув марказларида 7 мингдан зиёд ёш компьютер технологиялари соҳасида курслари муваффақиятли тамомлади.

Шиддат билан ўзгариб бораётган замон, жорий йил учун мўлжалланган режаларимизнинг миқёси ва кўламидан келиб чиқиб, ҳар бир кун, ҳар бир соатдан унумли фойдаланишимиз лозим.

Биз бугун қандай ислохотларни, қандай ўзгаришлар, қандай янги лойиҳаларни режалаштираётган бўлмайлик, уларнинг барча-барчаси ягона ва улғ бир мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, инсон қадрини улуғлаш, инсон ҳуқуқлари ва мақсадларини таъминлаш, халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиб бериш, бир сўз билан айтганда, халқни рози қилишдан иборат.

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бундай улғ мақсадларга ўз-ўзидан, қуруқ ва баландпарвоз гаплар билан эришиб бўлмайди. Юксак марраларни фақат тинимсиз изланиш, ҳалол ва фидокорона меҳнат билан қўлга қиритиш мумкин.

Аминманки, юксак салоҳиятли халқимизнинг ғайрат-шижоати ва фидокорона меҳнати билан янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессансини бунёд этишга, албатта, эришамиз.



ТАЪЛИМ-ТАРБИЯДА ИННОВАЦИЯ

Президентимизнинг 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди 2022 йил 1 январга қадар мактабга таълим тизимида замонавий ўқитиш шакллари, янги педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, жумладан, болаларнинг ўсиши ҳамда мактабга таълим билан қамраб олиниши жараёнларини мониторинг қилиш бўйича “Болалар боғчаси” ахборот тизимини ишга тушириш ва унга қиритиладиган маълумотлар шаффофлигини таъминлаш белгиланган эди. Шунингдек, мактабга таълим хизматлари учун электрон тўлов тизимларини жорий этиш, соҳада ахборот тизимини бошқа вазирилик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш каби вазибалар ҳам юклатилган.

БОҒЧАЛАР ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ

Очиқлик ва шаффофликни таъминлайди

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мактабга таълим вазирилик томонидан “Болалар боғчаси” ахборот тизими ёрдамида болаларни мактабга таълимга қамраб олишни мониторинг қилиш, Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда Давлат хизматлари агентлиги билан ахборот тизими интеграцияси орқали болаларни мактабга таълим ташкилотларига навбатга қўйиш ва қабул қилиш учун йўланма олиш бўйича давлат хизмати кўрсатилади.

Бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, Мактабга таълим вазирилик МТТ ходимлари ва тарбияланувчиларини замонавий рақамли технологияларни қўллаган ҳолда автоматик ҳисобга оладиган “Болалар боғчаси” ахборот тизимини такомиллаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиб, тажриба-синов тарикасида пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги мактабга таълим ташкилотларида жорий қилди.

Ушбу ташкилотларда биометрик идентификация қилиш, яъни Face ID қўрилмалари ўрнатилди. Шунингдек, “Болалар боғчаси” ахборот тизими юртимизда мавжуд электрон тўлов тизимлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали билан интеграция қилиниши натижасида онлайн тўловларни амалга ошириш имконияти яратилган.

“Болалар боғчаси” ахборот тизимининг яна бир афзаллиги шундаки, у ташкилотга қамраб олинган тарбияланувчилар ҳамда ходимларини юз қиёфаси орқали автоматик равишда рўйхатга олади. Боланинг мактабга таълим ташкилотидидаги ҳар бир дақиқаси назоратда бўлади. Ходимларнинг ҳам ҳар бир кунни, соатига қадар кўрсатилиб борилади. Агар МТТнинг бирор ходими ишдан вақтли кетса ёки сабабсиз ишга келмаса, уларнинг иш саоти тўлақонли ёзилмайди. Бу эса, ўз навбатида, давомат масаласида қузатилиши мумкин бўлган баъзи қўринишдаги коррупцион ҳолатларга ижобий ечим бўлмоқда.

Шунингдек, тизимда озиқ-овқат харажатларини автоматик ҳисобга олиш, таҳлил ўтказиш ва лавозимлар бўйича кадрлар етишмовчилигини аниқлаш мақсадида мактабга таълим ташкилотларининг кадрлар салоҳияти ҳақидаги маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш мумкин. Мазсўлларнинг таъкидлашича, ушбу тизимга ўтилганидан сўнг муассасадаги анчайин нуқулалликлар бартараф қилинган. Дастлаб бу тизимни тушуниб олиш қийинчилик тўғрисида бўлса-да, ҳозир бундан барча мамнунлиги айтимокда.

— Face ID тизими ўрнатилганига кўп бўлмаган эса-да, самарасини кўрсатаяпти, — дейди Бектемир туманидаги 577-мактабга таълим ташкилоти методисти Нигора ШАРИПОВА. — Бу тизим нафақат тарбияланувчилар,

балки ходимларни ҳам тартиб-интизомга ўргатапти. Қолаверса, болаларнинг саломатлигини асраш, соғлом овқатланиши таъминлашда ҳам аҳамияти катта бўлаяпти. Илгари болаларнинг тана ҳароратини танометрда ўлчардик. Ҳозирги қирилма автоматик равишда боланинг тана ҳароратини кўрсатади ва ота-она боласининг соғломлигига ишонч ҳосил қилиб, кўнгли хотиржам ҳолда кета олади. Тана ҳарорати 37 даражадан юқори бола боғчага қабул қилинмайди ва ота-оналарга даволашни бўйича кўрсатма берилади.

Мазкур тизим МТТда озиқ-овқат харажатларини назорат қилишда ҳам афзалликларга эга. Ошхонада овқат тайёрлаш плиталари олдида электрон тарози қўйилган. Тарози кўрсаткичларини қўриш учун қўлай бўлган жойда интернет тармоғига уланган 3 та камера ўрнатилган. Таомнома бўйича озиқ-овқат махсулотлари бевосита қозонга солишдан аввал мажбурий тартибда электрон тарозидида тортилади.

Биометрик идентификация қилиш, яъни Face ID тизими жорий этилгани МТТ ходимлари ва тарбияланувчиларининг ягона маълумотлар базасини шакллантириш, ходимларнинг иш вақти ва тарбияланувчиларнинг даволатини реал вақт режимида мониторинг қилиш, МТТларда озиқ-овқат харажатларини автоматик ҳисобга олишни замонавий рақамли технологиялар орқали қиритиш имконини бермоқда.

— Бюджет маблағларининг тўғри тақсимланишида мазкур ахборот тизимининг ўрни катта, — дейди Мактабга таълим вазирилик Ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи Анвар ЖўРАЕВ. — Албатта, тизимни рақамлаштириш билан бу жараён тўхтаб қолмайди. Бугунги кунда тажриба-синов натижаларидан олинган ҳулосалар асосида уни янада ривожлантиришга хизмат қиладиган лойиҳалар устида ишлар олиб бориломқда.

Бектемир туманида ўтказилган тажриба-синов натижаларидан келиб чиққан ҳолда, Мактабга таълим вазирилик бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда 2022 йил 1 июнга қадар “Болалар боғчаси” тизимининг такомиллаштирилган қўринишини юртимиздаги барча давлат мактабга таълим ташкилотларида жорий этиш режалаштирилган. Лойиҳа доирасида Мактабга таълим вазирилик томонидан Республика санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан келишилган ҳолда, тасдиқланган стандарт таомнома асосида болаларни овқатлантиришга мўлжалланган “Ягона мавсумий таомнома”ни жорий этиш кўзда тутилган.

Мақсад битта — мактабга таълим тизимини рақамлаштириш ҳисобига меҳнат ресурсларини тежаш, иш унумини ошириш ҳамда тизимнинг очик ва шаффофлигини таъминлашдир.



МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.

ЎЗГАРИШЛАР ШУКУҲИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА МЎЙНОҚ ЯНГИ ҲАЁТГА ҚАЙТДИ



Татлимурат АТАМУРАТОВ, Республика Маънавият ва маърифат маркази Қорақалпоғистон бўлими раҳбари, тарих фанлари номзоди

 Бошланиши 1-бетда

Шавкат Мирзиёев аэропортдаги бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, замонавий имкониятларга эга бўлиб, янги Ўзбекистонда янги ҳаётга қайтган Мўйноқ аэропортининг қайта тикланиши билан Тошкент — Мўйноқ — Нукус авиақатновларининг ҳам йўлга қўйилишини алоҳида таъкидлади. Бу, албатта, туманимизда бошланган йирик бунёдкорлик ишларининг янада давом этишини аңглатади.

Давлат раҳбари мўйноқлик ёши катталар, маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар билан мулоқот қилар экан, ҳудудга илк ташрифида таъкидлаган улугъ сузини яна бир бор такрорлади: “Маданият Мўйноқдан бошланади”. Чиндан ҳам, бугун Мўйноқ обод ва кўркем масканга айланди. Одамларнинг турмуш даражаси, фаровонлиги, кайфияти буткул ўзгарди. Ҳозирги кунда юртдошларимиз эртанги кунга катта ишонч билан қараган ҳолда шиқоат ва шукроналик билан меҳнат қилмоқда.

Утган йилларга назар соладиган бўлсак, туман ҳудудида нафақат қурилиш-ободонлаштириш ишлари, балки маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича ҳам кенг қўламли ишлар олиб борилганига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Жадал суръатларда қад ростлаган “Оқ кема” болалар соғломлаштириш маркази, “Экология музейи”, “Амфитеатр”, “Шоирлар ва ҳунармандлар хибони”, “Орол денгизи тарихи музейи”, “Future Muynak” кутубхона ва IT маркази, мактабгача ва умумтаълим максаанлари, спорт иншоотлари, маданият уйлари каби ижтимоий объектлар аҳоли маънавиятини юксалтиришда самарали фаолият олиб бормоқда.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Мўйноқ дунё нигоҳида. Кейинги йилларда ҳудудда аҳоли кайфиятини кўтариб, маънавиятини юксалтиришга қаратилган “Денгиз балиқларидан 99 хил таом”, “Стихия”, “Ралли Мўйноқ” каби қатор республика ва халқаро миқёсдаги фестиваллар ташкил этилди ва ушбу жараён давом этмоқда.

Денгиз чекинса ҳам инсон чекинмайди

Доно халқимиз тилидаги бу сўз айна пайтда ўз тасдиғини топмоқда. Ҳозирги кунда аҳоли қайта макон тутаётган Мўйноқ туманига туташ Орол денгизининг суви қуриган туби ҳам йил сайин тобора яшилланиб бораётгани кўвонарли.

Давлатимиз раҳбари Мўйноққа бу галги ташрифи давомида Орол денгизининг суви қуриган тубида амалга оширилаётган кўламазорлаштириш ишлари билан танишди. Маълумки, Президентимиз Орол инқирозини юмшатиш бўйича жаҳоннинг юксак минбарларида туриб бир неча ташаббусларни ўртага ташлади. Утган йилларда денгизнинг қуриган тубида ободонлаштириш ишларини олиб боришга бутун мамлакатимизнинг барча вилоятлари ҳолисона ёрдам берди.

Мазкур саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, қуриган денгиз ўрнида 1 миллион 524 минг гектар ўрмонзор яратилди. Аҳамиятлиси, ҳеч қандай қийинчиликларга қарамай, юртдошларимиз асло ортга чекинмаяпти. Жумладан, жорий йилда яна 100 минг гектар майдонда “яшил қоплама” яратиш режа қилинган.

Худудда сўнгги 2-3 йилда ер ости қудуқ қўзларининг очилиши флора ва фауна муҳити яхшиланishiга, яъни ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини сақлаб қолишга ҳамда ҳудудда қорвачиликни ривожлантиришга асос яратмоқда.

Таъкидлаш жоизки, айна пайтда Мўйноқ туманига Тошкент вилояти бириктирилган. Вилоят тадбиркорларининг маълум қилишича, келгусида бу жойда ҳар бир соҳа кесимида аҳоли фаровонлиги учун қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилиши билан бирга, маънавий-маърифий йўналишда ҳам қатор лойиҳалар тақдим этилади. Жумладан, маданият ва дам олиш боғлари, санаторийлар, болалар учун дам олиш масканлари қурилади.

Айна пайтда туман ҳокимлиги томонидан Маънавият маскани биносини қуриш ишлари бошланиш арафасида. Маълумот тарихида таъкидлаш жоизки, 2023 йил якунига бориб шундай масканлар Нукус шаҳри ва барча туманларда барпо этилади.

Тахтақўпирнинг ҳам аввалги обрўси тикланмоқда

Президентимиз “Белтау” овул фуқаролар йиғинидаги бунёдкорлик ишлари билан танишиш чоғида шундай деди. Худудда қисқа вақт ичида қали-

тал таъмирланиб фойдаланишга топширилган фуқаролар йиғини маскани, шифокорлик пункти, болалар боғчаси ва маданият марказлари чиндан ҳам Тахтақўпирнинг обрўси қайта тикланаётганидан дарак бермоқда.

Айниқса, туман ҳудудида қайта таъмирлашдан чиққан замонавий, кенг ва муҳташам маданият маркази бутун Ўзбекистондан ташриф буюраётган меҳмонларни ўзига жалб қилмоқда. Бу Президентимиз билан бўлган мулоқотда маҳаллий аҳоли ва Тошкент шаҳридан ташриф буюрган оммавий ахборот воситалари вакилларининг ҳаяжонли нутқларида ўз ифодасини топди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари Шуманай ва Беруний туманларига ташриф буюриб, “Шуманай экотекс” корхонаси фаолияти ва туманга бириктирилган Хоразм вилоти тадбиркорларининг инвестицион лойиҳаларини кўздан кечирди.

Очилини айтиш керак, бир пайтлар “тулик” туман аталиб, эътибордан четда қолиб кетган Шуманай туманида ҳам сўнгги йилларда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилди. “Шуманай экотекс” корхонаси фаолияти йўлга қўйилиши самарасида ҳудуддаги ишсизлик масаласи бартараф қилиниб, айна пайтда 500 нафар хотин-қиз бандлиги таъминланди. Туман маркази ободонлаштирилиб, бир неча тадбиркорлик субъектла-

“МЎЙНОҚ ДУНЁ НИГОҲИДА. КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ҲУДУДДА АҲОЛИ КАЙФИЯТИНИ КЎТАРИБ, МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН “ДЕНГИЗ БАЛИҚЛАРИДАН 99 ХИЛ ТАОМ”, “СТИХИЯ”, “РАЛЛИ МЎЙНОҚ” КАБИ ҚАТОР РЕСПУБЛИКА ВА ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ ФЕСТИВАЛЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ ВА УШБУ ЖАРЁН ДАВОМ ЭТМОҚДА.

ри ташкил этилди, аҳолига хизмат кўрсатиш жойлари қайтадан қад ростлади. Ҳунармандчилик, кутубхоналар ва йирик аттракционларга эга болалар дам олиш боғи қурилди.

...Қорақалпоғистоннинг шамоллари ҳам иқтисодиётга фойда келтиради

Президентимиз Беруний туманидаги шамол электр станциясининг тамал тошини қўйиш маросимида таъкидлаган ушбу сўзлар ҳалиям қулоғимиз остида жаранглаб турибди. Саудия Арабистонининг “AKWA Power” компанияси билан ҳамкорликда қурилаётган мазкур лойиҳа амалга ошган, 110 минг оила қўшимча электр энергияси билан таъминланади ва йилга 106 миллион куб метр табиий газ тежаллади.

Шу ўринда савол туғилади, қачон Қорақалпоғистонга хорижий давлатлар корхоналари инвестиция билан келган? Албатта, бу жараён яқин тарихда кузатилмаган. Худудий жиҳатдан Қорақалпоғистон Ўзбекистоннинг учдан бир қисмини эгаллаши инobatда олинса, бизнинг шамоллар билан зарин қуёш нурлари келгусида ҳам маҳаллий иқтисодиётимизга яна кўп фойда келтириши, шубҳасиз.

Бу ҳали бошланиши албатта. Президентимиз яна таъкидлаганидек, инсон қадри учун, деган бош тамойил асосида Қорақалпоғистонни янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича катта мақсадлар илгари сурилган.

Таълим-тарбия ва маънавият маҳалладан бошланади. Маҳаллалар фаровонлиги эса ўсиб келаётган ёш авлод вакилларининг ҳар томонлама камолга етишида муҳим ўрин тутadi.



Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистонга ташрифининг иккинчи кун яқинда “Обод маҳалла” дастури доирасида ободонлаштирилган Нукус шаҳридаги Шимбай гузари маҳалласида бўлиб, ҳудудда аҳоли фаровонлиги учун барпо этилган объектлар билан танишди.

“Қўлида ҳунари бор аёлнинг кайфияти яхши, оиласи ҳам барқарор бўлади”, деди Президентимиз 300 нафардан ортқ хотин-қизларнинг бандлиги таъминланган тўқимачилик корхонасига ташрифи давомида.

Шавкат Мирзиёев, шунингдек, Нукус шаҳридаги қатор корхона ва қурилиш объектлари фаолияти билан танишиш баробарида Шимбай гузари маҳалласи ҳудудида “Маҳалла маркази”ни қуриш юзасидан мутасаддиларга кўрсатма берди.

Албатта, Қорақалпоғистон миқёсидаги янгила-нишлар шамоли биз маҳаллаларда олиб борадиган маънавий-маърифий ишларга ижобий таъсир кўрсатади. Барчамизга маълумки, Қорақалпоғистонни комплекс ривожлантириш мақсадида Нукус шаҳри ва барча туманларга Ўзбекистон Республикасидаги вилоятлар масъул ва ҳомий қилиб бириктирилган.

“Дунёда ҳеч қачон тонг бирдек отган эмас”

Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китоби шундай теран маъноли сўзлар билан бошланади. Бу бутун борлиқ, табиат ва инсоният ҳаммаша ўзгариш ва янгиликнишда бўлади, дегани. Ҳақиқатан ҳам, мана, неча минг йиллар давомида дунёдаги халқлар ўз мақсади, интилишлари, нияти ва характериға қура, ҳар кун тонгни турли ҳолатда қарши олади. Дунёнинг бир

чеккасида кимдир хавотир, тазйиқ ва кўрқувда, ўқ ёмғирлари остида оч-яланғоч яшаётган бўлса, яна кимдир фаровонликда умр кечирмоқда.

Минг шукрлар бўлсинки, бизнинг халқимиз ҳар бир тонгни яхши ният, тинчлик ва фаровонликда кутиб олади. Президентимиз бошлаб берган янги Ўзбекистонни қуриш ғояси асосида биз ҳар бир кунни улугъ орзу-ният, янгиликлар нафаси билан бошламоқдамиз.

Сўнгги йилларда Қорақалпоғистонда аввал қурилмаган улкан ўзгаришлар сабаб ҳар бир инсон қалбида янги қуёш порлаб чиққандек бўлади. Чунки аҳоли қалбида эртанги кунга умид ва ишонч уйғонди, катта бунёдкорлик ҳаракати бошланди.

Мана, бу гал ҳам давлатимиз раҳбари бирдамлик қучи қанчалар қудратли эканини яна кўрсатиб берди. Қорақалпоғистонга катта режалар, мақсадлар, улкан молиявий манбалар билан бирга Ўзбекистондаги 13 та ҳудуд ҳокимлари ва тадбиркорларини бошлаб келди. Бунда ҳар бир вилоятнинг камида 50 миллиард сўм маблағ қиритишни режалаштираётгани муҳим аҳамият касб этади. Умумий киритилаётган маблағ 1 триллион сўмдан ошар экан, бу чиндан фаровонлик дегани. Ушбу маблағ қанчадан-қанча мактаб, боғча, шифохона ҳам дегани. Бу қанча йўлларни, қишлоқларни кўркемлаштириш ва қанча иш ўринлари демакдир...

Умуман олганда, бу халқимизнинг барча эзгу ниятларининг рўёбга чиқиши дегани. Бунақа ғамхўрлик кимга бўлмоқда, албатта, халқимизга, унинг розилиғига эришиш, бахтли, фаровон ҳаёт кечириши учун қилинмоқда.

Қачон Қорақалпоғистонга Ўзбекистондаги барча ҳокимлар келган? Биз аввал бундай ижобий ҳолатнинг, ҳайратланарли ҳамкорлиқнинг гувоҳи бўлмаганимиз. Худудлардаги энг зур тадбиркорлар бугун элимизга келди. Агар уларнинг ҳар бири Қорақалпоғистондаги 17 та шаҳар ва тумандан ҳар биридаги битта маҳаллага ҳомийлик қилса, биттадан корхона ташкил этса, мактаб қурса, бу ҳудуд ҳар томонлама равнақ топади.

Мухтасар айтганда, Президентимизнинг Қорақалпоғистонга навбатдаги ташрифи ҳам бутун қорақалпоқ элини нийҳатда руҳлантирди. Эътибор ва рағбатдан кўнглимиз тоғдек кўтарилиб, янги-янги ижодий лойиҳалар сари унади.

ФАРҒОНА ТАЖРИБАСИ

ҲАМ ДАРОМАД, ҲАМ КЎНИКМА

Бир мулоқотда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов айтиб берган воқеа кўпчилиكنинг эсида. Атоқли шоиримиз АҚШга борганида нуфузли олий таълим муассасаси ректори бир талабани қўрсатиб: “Бу йигит ўқишдан бўш вақтлари корхонада ишлайди”, дебди. “Ўзбекистонда ҳам талабалар ўқишдан кейин ишлайди, бунинг нимаси ажабланарли?” — сўрабди шоир. “Меҳмон, бу йигит бошқаларга ўхшамайди — унинг отаси миллионер”, дея изох берибди ректор.

Хайриддинмурод АБУЛҲАЙЗОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Ота-онасининг мавқеи, мол-мулкидан қатъи назар, ўқишдан бўш вақтда ишлаш, талабалик пайтиданоқ ҳалол пул топиш кўникимасини шакллантириш ривожланган давлатларда оддий ҳолат саналади. Бундан кўзланган дастлабки муддао жамоавий меҳнатга мослашиш, соҳаси бўйича тажриба орттиришга қаратилади. Мамлакатимизда ҳам бу одат мавжуд эди. Бироқ талабаларнинг расмий давлат идораларида ишлаши ҳам кузатилар, аксари савдо-сотик, ёлланма ишчилик билан шугулланарди. Президентимиз раислигида шу йил 4 март куни ўтказилган видеоселектор йиғилиши бу масаланинг ижтимоий аҳамиятини очиб берувчи муҳим қалит вазиғасини ўтади. Чунки мамлакатимизда кўплаб соҳаларга ёш мутахассисларни жалб қилиш зарурати мавжуд. Амалиёт билан мунтазам машғул бўлган талаба ўқишни тугатгунча тайёр кадр сифатида шаклланишга улғуради.

Фарғона давлат университетида талабаларни иш билан таъминлаш бўйича намунали тажриба йўлга қўйилган.

Бу борада видеоселектор йиғилишида ҳам алоҳида таъкидланди. Жумладан, олий таълим муассасасида умумий овқатланиш ва қурилиш корхоналари ташкил этилиб, уларда 125 нафар йигит-қизнинг бандлиги таъминланган. 18 нафар талаба адрас, миллий қийимлар, қулоллик цехлари, доривор ўсимликлардан шифобахш дамламалар тайёрлаш билан машғул. Бундан ташқари, университетнинг Дўстлик, Оқбилло агроучасткалари ва Қувасой шаҳридаги ўқув полигонларида қорвачилик, асаларичилик, гулчилик, анорчилик, боғдорчилик, ўзимчилик, сабзавотчилик ҳамда биоумумс етиштириш йўлга қўйилган. Уларда 36 нафар талаба ўқишдан бўш вақтини ижтимоий фойдалани меҳнат билан ўтказаяпти.

— Бугун сеvimли иши, қизикқан касби билан шугулланган, амалиётни таълим билан бирга олиб борган талаба нафақат тажриба оширади, балки ҳаёт синовлари олдида ҳам бардошли шахсга айланади. Дарсдан кейин шошадиган, интиладиган жамоаси, касбдошлари бўлади. Энг муҳими, чўнтағида ҳаммаша пули, ҳалол меҳнати билан топан даромади бўлади. Энди ёшлар ишлаш учун тўрт йил диплом кутмайди. Мамлакатимизда мавжуд имкониятлардан бемалол фойдаланади. Бу эса, ўз навбатида, ҳудудларда



юзига келадиган кадрлар тақчиллиғига ҳам ечим бўлади, — дейди университет ректори Баҳодир Шермухаммадов. — Айна пайтда университетимизда қариб 28 минг талаба ўқийди. Шундан 50 фоиздан зиёди кундузги бўлим талабалари. Уларнинг ишга жойлашиш ҳолатини ўрганганимизда, 916 талабанинг ишлашга эҳтиёжи борлиғи аниқланди. Бу йигит-қизларнинг 32 нафари “Темир дафтар”, 105 нафари “Ешлар дафтари”, 8 нафари “Аёллар дафтари”га киритилган. 252 нафарининг отаси ёки онаси йўқ, 37 нафари чин етим. Ҳозир университетимизнинг ўзида 53 талаба дарсдан бўш вақтида ишлаяпти. Улар услубчи, қабинет мудири, лаборант, котиба, мусаххилар

сифатида фаолият юритмоқда.

Таълим хизматлари қўрсатиш истиқболли йўналишлардан. Қолаверса, талабаларнинг касбий ўсишига ҳам ижобий таъсир этади. Айна пайтда университетнинг тил ўргатиш марказида 12 нафар йигит-қиз инглиз, немис, француз, рус, корейс ва япон тилларидан машғулотлар ўтмоқда. Улар тил ўргатиш асносида билимини мустаҳкамлаб, тингловчилар билан шугулланиш борасида тажриба тўплайди. Қолаверса, табиий фанлар лаборантлар курсида умумтаълим мактаблари учун биология, кимё ва физика фанларидан лаборант кимё мутахассисини тайёрлаш жараёнида ҳам талабалар иштирок этмоқда.

Ментал арифметика ҳамда математика фанидан миллий сертификат тизимига тайёрлашга ихтисослашган курслар, психологик хизмат маркази ва суд-адабиётшунослик экспертизаси, таржимонлик марказлари, бухгалтерия хисоби ўқув курси, дастурлаш инновацион марказига иқтидорли ёшлар жалб этилган.

— Ёшман, куч-ғайратим бор. Университетимиз нуфузини юксалтириш учун ҳозир зидан ишлашга бел боғладим. Дарсдан бўш вақтимда олий таълим муассасамизнинг илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўлими маркетинг ва интеллектуал мулк сектори мутахассис сифатида ишляпман. Бу ҳам даромад келтиради, ҳам фуқаро сифатида юртимизга нафим тегаётгани ўзимга мамнуний ҳиссини берапти, — дейди Ижтимоий-иқтисодиёт факультети 2-курс талабаси Муроджон Мансуров. — Энг муҳими, ўқишни тугатгунча қўлидан иш келадиган тайёр кадр бўлиб шаклланаман. Бу ерда ўрганаётганларим ҳаётимнинг кейинги босқичидаям асқотади.

Университетнинг “Талаба” спорт клубида ташкил этилган футбол, волейбол, баскетбол, бадий гимнастика ва спорт гимнастикаси, қураш, таэквондо, енгил атлетика, сузиш тўғаракларида 10 нафар талаба мураббий ёрдамчиси сифатида фаолият кўрсатамоқда. Шунингдек, 2021 йилдан футбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг иккинчи лигасида “Университет” футбол жамоаси иштирок этиб келяпти, жамоа таркибига 20 нафар ёш жалб этилган.


Университетда ўтган йили қандолат цехи ташкил этилди. Унда талабаларнинг 5 нафари дарсдан бўш вақтида ширинлик тайёрлаётган бўлса, “ФарДУ таомлари” унитар корхонасида 10 талаба иш билан банд.

Шу билан бирга, Риштон тумани ҳокимлиги бюроти маси асосида бу йилдан бошлаб “Бадий қулоллик” марказида рангтасвир, дастгоҳлик ва бадий қулоллик таълим йўналишларида ўқиётган 120 нафар талаба иш билан таъминланди.

Муассаса жамоаси умумий қиймати 400 миллион сўмлик балиқ ҳовузи учун қуёш энергияси асосидаги автоном аэрастор ҳамда балиқчилик ҳўжаликларида маҳсулдорлиқни оширишга қаратилган комплекс ишлар лойиҳасини бошлаган. Буларда ҳам талабалар фаол иштирок этмоқда.

— Ҳозир университетимизнинг мингдан зиёд 3-4-курс талабаси ўз мутахассислиғи бўйича мактабгача, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида, баркамол авлод марказларида педагогик фаолият билан машғул, — дейди Б.Шермухаммадов. — Қолаверса, вилоятдаги давлат ва нодавлат ташкилотлар, университетимиз атрофидаги тадбиркорлик субъектларида ҳам ёшларимиз ўз иш ўринларида эга. Жумладан, 57 нафари банк тизимида, 93 нафари туризм ва меҳмонхона йўналишида, 128 нафари хусусий ўқув курсларида, 28 нафари транспорт хизмати, 294 нафари турли тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш субъектларида меҳнат қилмоқда.

Университет раҳбарияти айна кунларда аҳоли ва тадбиркорларга пулли хизматлар кўрсатиш орқали талабаларга қўшимча даромад олиш имкониятини яратиш, қишлоқ ҳўжалиғи ва ветеринария йўналишида иссиқхона, боғдорчилик, қорвачилик, балиқчилик, паррандачилик, ҳайвонларни эмлаш орқали ёшларга янги иш ўринларини қўпайтириш, ишловчи талабалар учун хорижий тилларни ўргатуви ҳамда иқтисодий ва бизнес таълим марказлари фаолиятини кенгайтириш режалари устида изланиш олиб бормоқда. Бу режалар рўёбга чиқса, келгусида яна ўнлаб йигит-қиз дарсдан бўш вақтида ишлаш имконига эга бўлади.



Хоразмликлар йил ҳисобини ўз мамлакатларида аҳоли жойлашган вақт, яъни Искандардан аввалги 980, яъни эрадан аввалги 1292 йилдан, яъни Сиёвуш ибн Кайковуснинг ўғли Кайхисрав замонидан бошлади.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

ТАРИХИНГДҲР МИНГ АСРЛАР...



Янгибой ҚҶЧҚОРОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими

Самолётлар Тупроққалъа — Қизилқалъа — Қаватқалъа — Элликқалъа ("Шабдали қалъа") — Гулдурсун — Тешикқалъа — Бургутқалъа — Каттақирқизқалъа — Кичикқирқизқалъа — Аёзқалъа — Тупроққалъа" йўналишида парвоз қилади. Қўлида дурбин ушлаган профессор самолёт илюминаторидан ушбу ажиб қўрғон ва қасрларга фавқулодда қизиқиш билан тикилади. Сергей Павловичнинг илтимосига қўра, учувчи ўзи бошқарган самолётни бир кичик ёдгорлик устида бир неча марта айлантиради. Бу мазкур экспедиция томонидан 1938 йили кашф этилган, архитектураси, шакл-шамойили, мазмун-моҳияти билан Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган Қўйқирилганқалъа эди. Кейинчалик профессор ва унинг сафдошлари 8 йил давомида бир вақтлар расадхона бўлган ушбу сирли қалъани синчиқлаб ўргандилар.

Ел қадққа эсса, елкан ўша томонга бурилади. Шамол қай томонга эсса, қамишлар шу тарафга эгилади. Бироқ қўхна тарихнинг қудратли қамаси шамолга ҳам, елканга ҳам, қуюну тўфонга ҳам бўйсунмасдан ўз йўлида собит сузади. Чунки бу кеманинг баҳайбат эшакларини халқ деган буюк куч ҳаракатга келтиради. Буюк сиёсий иродага эга раҳнамолар мувофиқлаштириб боради. Буюк халқлар ўша буюк даргалар измида буюк тамаддун намуналарини яратадилар. Шундан келиб чиқиб, Хоразмдаги қадимги давлатчилик ҳақида сўз юритадиган бўлсак, "Авесто"дек ажойиб маънавият ва маърифат обидасини тилга олишининг ўзи кифоя. Зеро, мард ва матонатли боболаримиз, момоларимиз эзгу сўз, эзгу фикр, эзгу амал етагида қуйи Амударё воҳасининг олтин тупроғига ўнг қўллари билан ҳам, сўл қўллари билан ҳам бугдўй уруғи сочдилар. Бири-биридан гўзал шаҳарлари қишлоқлар бунёд этдилар (Беруний бобомиз улардан уч юзтасини бармоқ буюб санаган). Ўзани ўртача дарёдан қолишмайдиган улкан арналар орқали Окс, яъни Ўқуз ва Жайхуннинг ҳаётбахш сувини таратиб, ларзон-ларзон мевалардан беллари букилган бекёёс бог-роғлар яратдилар. Ер илмида, осмон илмида, деҳқончилик илмида ўз академияларига асос солдилар. Дунё тарихига Хоразм цивилизацияси деган ном билан кирган бетакрор моддий ва маънавий маданият кошонасини барпо этдилар. Қўйқирилганқалъада мавжуд бўлган антик обсерватория бу хулосани тўла-тўқис тасдиқлайди.

Ола эккан оз олур, роса эккан соз олур, дейди мутафаккирларимиз. Улардан Мухаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср ибн Ироқ, Абу Саҳл Масиҳий, Абу Маҳмуд Хўжандий, Чагинийдек буюк аждодларимиз астрономия, яъни осмон илмида ҳам соз рисоалар ёзишган. Биринчи астрономик хариталарни тузиб, илк глобусларни ясашган. Абу Райҳон

Беруний раислик қилган Хоразм Маъмур академиясининг фаол аъзоси Абу Маҳмуд Хўжандий эса қудратли хоразмшоҳлар давлати тасарруфидида Рай ва Гургон шаҳарларида расадхоналар қурилишига бош-қош бўлган. Аммо осмон илми антик Хоразм давридаёқ, яъни Маҳмуд Хўжандийдан бир ярим минг йил аввал ҳам етакчи академик фан даражасига кўтарилган ва ўзининг амалий жиҳатлари ва ўз расадхонасига эга бўлган. Узоққа бориб ўтириш шарт эмас: харобалари ҳозирги Тўртқўл ва Элликқалъа туманлари чегарасида жойлашган афсонавий Қўйқирилганқалъа Осиёнинг бундан икки ярим минг — уч минг йил муқаддам бунёд этилган энг қадимий расадхоналаридан бири, шу заминда шаклланган дунёвий илмнинг олмос чўққисидир.

Қўйқирилганқалъа ҳақида сўз юритишдан олдин Марказий Осиёнинг археологик харитасига бир қур назар ташлаш фойдадан ҳоли бўлмайдди. Бу харитада Афросиёб, Айритом, Анқий, Белеули, Варакша, Гавқалъа, Далварзинтепа, Жақсилиқ, Зартепа, Капарас, Кузалиқир, Кердер, Кофирқалъа, Марв, Миздақхон, Нисо, Олтинтепа, Панжикент, Тупроққалъа, Холмаён, Чиркирабат, Шоҳсанам, Шаҳри Кот, Шаҳри Испом, Ҳазорасп, Уттор каби жами мингдан ортиқ қадимий макон, маскан, манзил бор. Улар ҳозирги Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон ҳудудида жойлашган. Бу археологик ёдгорликларнинг ҳар бири ҳақида ўнлаб монографиялар, юзлаб мақолалар ёзилган. Қўйқирилганқалъа тўғрисида эса С.Толстов, Я.Ғуломов, Б.Андрианов, М.Воробьёва, Ю.Рапопорт, С.Трудовская, М.Рожанская, М.Лапиров-Скобло, Е.Неразик, И.Жабборов, Т.Қиличев каби атоқли олимлар кўп ва ҳўб ёзишган. Хоразм археология-этнография экспедицияси томонидан тайёрланган туркум асарларнинг бешинчи жилди тўпаллигича Қўйқирилганқалъага бағишланган. У саҳро саҳнида яққа қолиб кетган тарихий ёдгорлик эмас. Аксинча, ўз теграсидаги Эресқалъа, Анқакалъа, Одамликкалъа, Қарғатешканқалъа, Бозорқалъа,

ҚАДИМГИ МУАРРИХ АРРИАННИНГ ҲИКОЯ ҚИЛИШИЧА, ЯНГИ ЭРАДАН АВВАЛГИ 329-328 ЙИЛЛАРДА ИСКАНДАР ҲУЗУРИГА, ЯЪНИ УНИНГ МАРОҚАНДАГИ МУВАҚҚАТ ҚАРОРГОҲИГА ХОРАЗМШОҲ ФАРАСМАН 1500 ЧАВАНДОЗИ БИЛАН КЕЛИБ, ФОТИҲ БИЛАН ҲАРБИЙ ИТТИФОҚ (АҲАМОНИЙЛАР ИСКАНЖАСИДАН ХАЛОС БЎЛИШ МАҚСАДИДА) ТУЗАДИ. У ПАЙТ ХОРАЗМ МУЛКИНИНГ ҲУДУДИ ОЛИС КОЛХЛАР ЮРТИ — ЖАНУБИЙ ГУРЖИСТОНГАЧА ЧЎЗИЛГАН ЭДИ.

СЕРГЕЙ ТОЛСТОВ

Қўйқирилганқалъа, Жонбосқалъа, Қўроғошқалъа, Тешикқалъа, Бургутқалъа, Катта Қирқизқалъа, Кичик Қирқизқалъа, Аёзқалъа, Тупроққалъа, Қизилқалъа, Ақчақонқалъа, Филқалъа, Кот, Думанқалъа, Элликқалъа, Қаватқалъа, Яқкапорсон, Кичик Гулдурсунқалъа, Катта Гулдурсунқалъа, Норинжонқалъа, Қўмбосанқалъа каби қадимий қаср ва қўрғонларнинг олтин ҳалқасидаги бир муборак манзилдир. Шу ўринда алоҳида тўхталиб ўтиш керакки, бу қалъаларнинг номлари

кейинги давр кишилари томонидан қўйилган бўлиб, ўз давридаги атама-лари асрлар қаърида қолиб кетган.

Ўнқирғоқ қадимий қалъалари тўғрисида бир неча китоблар ёзган тарих ўқитувчиси С.Исмоилов Қўйқирилганқалъа ўша даврда Ходаркот номи билан юритилганини, унда зардуштийлик ибодатхонаси ва обсерватория билан бирга, улкан дорихона ҳам мавжуд бўлганини таъкидлайди. У бир қанча манбаларга таянган ҳолда "Ходаркот-Қўйқирилганқалъа ва ундаги расадхона милоддан аввалги 1737 йилда қурилган, расадхонанинг зардуштий эътиқоддаги олимлари астрономик куёш календарини яратганлар", деб ёзади. Ўз вақтида азим Ақчадарёнинг ўнг қирғоғида гуллаб-яшнаган



Бу қадар кенг қўламдаги астрономик тадқиқотлар ўтказиладиган расадхона бунёд этиш учун мазкур мамлакат фавқулодда иқтисодий қудратга эга бўлиши лозим эди. Профессорлар Вадим Ягодин, Алисон Беттс, Франц Гренет, Ўзбекистон Қаҳрамони Ғайратдин Хўжаёзов томонидан тадқиқ этилган антик шаҳар Ақчақонқалъа (ҳозирги Беруний туманининг Озод қишлоғида жойлашган)нинг майдони 100 гектардан ортиқ бўлган. Иккинчидан, у ердан айнан Фарасмандек кучли подшоҳ сулоласига оид археологик ашёлар, ҳар бири 6-7 метр келадиган деворий суратлар топишган. Искандардек улғу фотиҳ билан битим туза олган сулола бошқарган давлатдагина илм-фан шу қадар юқори мақомда ривожланиши мумкин эди.

Археологик тадқиқотлар Қўйқирилганқалъа билан боғлиқ бир қатор сирли жиҳатларни асослаб берди. Биринчиси, ўша даврдаги Хоразм давлатининг иқтисодий ва илмий савоиятидан дарак берган бу расадхона улкан сув артерияси — Ақчадарёнинг нақ қирғоғида бўй тиклаган эди. Ақчадарёда хоразмшоҳ Фарасманинг кемалари сузиб юрган, ҳарбий флот ҳам давлатнинг кучли таянчи бўлган. Демак, Қўйқирилганқалъа обсерваториясининг иккинчи муҳим тилсимини у ердан Ақчадарё, Жангадарё, Қувондарё, Инкордарё ва, албатта, Вуруқаш (Орол) денгизидидаги кемалар ҳаракати илмий асослаб берилган. Дарё ва денгизлар назарияси илк бора Қўйқирилганқалъа обсерваторияси орқали яратилгани ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Қолаверса, Буюк Ипак йўлининг илк хариталари айнан "Авесто" заминида чизилган бўлиши мумкин. Учинчидан, Қўйқирилганқалъа тўпаллигича қуёшга ўхшатиб қурилган. У давр кишилари қуёшга, оловга эътиқод қўйгани учун зардуштийлик таълимотида эргашганлар, "Авесто"ни муқаддас китоб сифатида қабул қилганлар.

Қўйқирилганқалъада муҳим зардуштийлик ибодатхонаси бўлган. Бу ердан топишган кўп сонли дафн қутилари — оссуарийлар шуни исботлайди. Қўйқирилганқалъадан топишган квадрат шаклидаги остодон қопқоғига кўндирилган ҳайкалча — нақшинкор эркакнинг чордона қуриб ўтирган сиймоси жаҳон археологиясининг бетакрор намуналаридан бирига айланди. Зардушт таълимоти эса нафақат антик Хоразм давлати, балки Аҳамонийлар, Афригийлар, Сосонийлар салтанати учун ҳам нуфузли дин тизими тарзида хизмат қилди. Қўйқирилганқалъа ёдгорлигининг тўртинчи муҳим жиҳати, у ердан қадимий ёзув топилиди. Хум четига ўйиб ёзилган бу сўз оромийга яқин ёзувда "Аспабадак" деб ўқилади. Демак, гап от ёхуд чавандозлик хусусида бормоқда. Баъзи олимлар уни "Аспабарак" деб ўқийди. Кези келганда С.Толстовнинг ажойиб сафдоши А.Фрейман "Хоразм тили" номи ажойиб асар ёзганини унутмаслигимиз лозим. Гарчанд бу ёзув Қўйқирилганқалъадаги сопол буюм-

ларда аниқланган бўлса-да, кейинчалик С.Толстов ва унинг сафдошлари Тупроққалъа саройидан хоразмшоҳ Вамамарнинг улкан архивини топди. Бу янги Ўзбекистон Ренессансининг олис пойдеворлари қадимги Бактрия ва Сўғдиёна билан биргаликда антик Хоразмда яратилганини тасдиқлайди. Тупроққалъа архивидаги ёзувларда ҳарбий лексикага кенг ўрин берилган. Қўйқирилганқалъада осмон жисмларини кузатган мутафаккирларнинг фарзандлари чавандоз бўлиши, кема бошқариши, қурол-аслаҳани моҳирона ишлатиши, бирор мусиқа асбобини чалиши, мироблик илмини чуқур билиши лозим бўлган. Энг қизиғи, барча жабҳаларда аёллар эркаклар билан тенг беллашмилари зарур эди. Илм, ҳунар, меҳнат бу инсонлар ҳаётининг бош белгиларига айланган. Меъморлик илми ва амалиёти ҳам ана шу белгилардан бири эди.

Қўйқирилганқалъа антик давр архитектурасининг шоҳ асари ҳисобланади. Унинг марказида баландлиги саккиз метрдан зиёдроқ, диаметри 44,4 метр қилиб қурилган ажойиб иморат бор. Ташқаридан уни халқа каби қўшдевор ўраб туради. Деворнинг ичида гумбазли ҳужралар бўлган. 9 та ярим доирасимон минорага кўтарилган мунаажимлар юз йиллар давомида астрономик кузатишлар ўтказганлар. Профессор С.Толстовнинг шогирди, тарих фанлари доктори Ю.Рапопорт Қўйқирилганқалъада обсерватория бўлганини аниқ далиллар билан исботлаб берди. Биз бу тафсилотларни такрорлаб ўтирмоқчи эмасмиз. Икки қаватли марказий буржисимон бинадоги хоналар тилсимга тўла. Пастки хоналарга юқори қаватнинг шинакли йўлаги орқали тушилади. С.Толстов марказий гумбазнинг ҳар икки чеккасидаги икки томонлама тушиб-чиқиладиган зиналарга эътибор қаратади. Айлана бўйлаб жойлашган олтига ён гумбазнинг арки юқорида таъкидланган марказий гумбазга қараб очилиши бутун жаҳон археологларини мафтун қилиб келади. Энг эътиборлиси, обсерваториянинг барча қаватлари ва юзлаб ҳужраларига қуёш нури тенг тушиши ва шамолнинг тенг айланиши инсон ақл бовар қилмайдиган даражада моҳирлик билан ҳисобга олинган. Осмонни кузатадиган дарчаларнинг жойлашиши ҳам расадхона тилсимотларига қиради. Қаср Сиёвуш замонида, саклар даврида, Қанғой ва Кушон салтанатлари чоғида турли қиёфага эга бўлган.

Янги замон археологлари ҳали бу ерда кўп сир-синоатларни очинишга ишонамиз. Қўйқирилганқалъадан топишган кўп сонли ҳайкалчалар, деворий расмлар, буюм ва ашёлар бир неча докторлик диссертациясига мавзу бўла олади. Қасрдан топишган узумчиликка оид далиллар ҳам эътиборни тортади. **Тупроққалъа ва Қўйқирилганқалъа орасида жойлашган бугунги Элликқалъа туманининг узумчиликка ихтисослаштирилаётгани оқдан дарёнинг қайта мавж уришидан дарак эмасмикан?**

ОБСЕРВАТОРИЯНИНГ
БАРЧА ҚАВАТЛАРИ ВА
ЮЗЛАБ ҲҲЖРАЛАРИГА
ҚУЁШ НУРИ ТЕНГ
ТУШИШИ ВА
ШАМОЛНИНГ ТЕНГ
АЙЛАНИШИ ИНСОН АҚЛ
БОВАР ҚИЛМАЙДИГАН
ДАРАЖАДА МОҲИРЛИК
БИЛАН ҲИСОБГА
ОЛИНГАН. ОСМОННИ
КУЗАТАДИГАН
ДАРЧАЛАРИНГ
ЖОЙЛАШИШИ
ҲАМ РАСАДХОНА
ТИЛСИМОТЛАРИГА
КИРАДИ. ҚАСР СИЁВУШ
ЗАМОНИДА, САКЛАР
ДАВРИДА, ҚАНҒОЙ ВА
КУШОН САЛТАНАТЛАРИ
ЧОҒИДА ТУРЛИ ҚИЁФАГА
ЭГА БЎЛГАН.

Ҳа, давлатимиз раҳбари кўрсатмаларига биноан, Элликқалъа туманида узумчилик ва туризм драйвер соҳа қилиб белгиланди. Буни таъкидлашимиздан мақсад шуки, Қўйқирилганқалъага бутун дунё сайёҳлари, шу жумладан, қадимшунослари тапминади. Энди у ерга сайёҳлар оқими кўпроқ интилмақда. Бу ноёб расадхона қолдими тўғрисида бир қанча нуфузли нашрларда мақолалар берилди. Лекин уларнинг бирортасида сайёҳлар учун аниқ йўналиш кўрсатилмаган. Шуни ҳисобга олиб, Элликқалъага Нукус ва Урганч орқали келган қизиқувчилар туман маркази орқали Қирқизқабод қишлоғига, у ердан Оқолтин маҳалласига келишлари, 40-умумтаълим мактаби ёнидан Тўртқўл туманининг Бозиргон мавзесида элтувчи йўлга бурилишлари лозимлигини таъкидламоқчимиз. Ўн чақиримча юргач, йўлнинг чап томонида замонавий ёишт заводи кўзга ташланади. Шу қорхонанинг орасида ўша сирли расадхона ёдгорлиги жойлашган. Мабодо, Бухоро орқали Тўртқўл шаҳрига келинса, А.Адақжаев, А.Дурдиев, Ё.Эломанов номидаги ҳўжаликлар ҳудуди орқали Бозиргон пахта қабул масканига етган, чапга, бир оз юргач, унга буриласиз. Шунда ўша ажойиб тарих ёдгорлиги билан танишасиз. Энг қизиғи, сиз антик расадхонани кўргач, бир оз ичкарига юрсангиз, қадимий Жонбосқалъа ёдгорлигига борасиз. Академик Б.Ғафуров Жонбосқалъани бутун Марказий Осиё тарихининг олтин бешиги деб атаган эди. У ерда замонавий сайёҳлик йўналиши тузилган. Ундан Аёзқалъа туристик марказига, сўнгра афсонавий Тупроққалъага, Ақчақонқалъага, Қизилқалъага, Тошхирмон ибодатхонасига, Кот ва Фир қасрлари орқали Нукусга, саҳро Луври — И.Савицкий номидаги машҳур музейга, у ёғи яшараётган, яшнаётган Мўйноққа отланишингиз мумкин. Ҳуллас, сизни қадимий "минг қалъа мамлақати" ва уч минг йиллик расадхона кутмоқда!

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташилот жавобгар.
Газета таҳририят қосмийтер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашир индекси — 236. Буюртма — 689.
88910 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусаҳҳих: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Яқуни — 22:30 Топширилди — 00:25